

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**5111000-КАСБ ТАЪЛИМИ**

ДАК раиси

Кафедра мудири

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ **З.Х.Қосимова**

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2015 й.

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2015 й.

## ***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ***

**МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЁШЛАРИДА ТАНҚИДИЙ  
ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКА  
ФАНЛАРИНИНГ РОЛИ**

***Бажарди: С.Фозилова***

***Илмий раҳбар: З.Арслонбоева***

*Мазкур битирув малакавий иши кафедранинг 2015 йил \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_–сонли йигилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.*

**Тошкент - 2015**

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<b>I. БОБ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЁШЛАРДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1. Мустақиллик йилларида ёшларга таълим-тарбия бериш усуллари.....	8
1.2. Ёшлар тарбиясида эстетик тарбия ва эстетик маданиятнинг аҳамияти .....	21
<b>II. БОБ ЁШЛАРДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК ШАТР-ШАРОИТЛАРИ</b>	
2.1. Ёшларда танқидий фикрлашни ривожлантиришга йуналтирилган технологик ёндашув .....	33
2.2. Ёшларда танқидий фикрлашни ривожлантиришда таълимнинг интерфаол методларидан фойдаланиш механизмлари.....	49
ХУЛОСА.....	65
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	67
Иловалар.....	76

## К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарблиги:** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида шахс ва жамият муносабатларида уйғунликни вужудга келтириш эҳтиёжи мавжудлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунга кўра педагогика фанида шахснинг имкониятларини рўёбга чиқарадиган ўқув жараёнини ташкил этишнинг турли йўллари излаш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида: «Миллий дастурнинг амалга оширилиши жамиятда мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади. Бундай шахсларнинг кўпайиши жамиятда онгли ҳаёт кечириш тизимини вужудга келтиради. Одамлар оломон бўлиб яшашдан бош тортадилар, ҳар бир киши ўз ақли, ўз меҳнати, ўз хулосаси билан яшай бошлайди. Энг асосийси бундай кишиларга четдан ҳеч қандай нопок куч, бузуқ ғоялар, куруқ шиорлар, чақириқлар билан таъсир этиб бўлмайди. Бундай одамларни ўз танлаган йўллари, мақсадларидан ҳеч қандай куч тойдира олмайди. Айнан шу хислатлар миллий хавфсизликнинг мустаҳкамланишига олиб келади», - деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, жамиятда хилма-хил фикрлаш муҳитини вужудга келтиришда мустақил, танқидий фикрловчи шахсларнинг ўрни беқиёсдир. Дунёга янги кўз билан қарайдиган баркамол инсонни шакллантириш, унинг натижаси, маҳсуласи орқали мустақил фикрловчи, ижодий изланувчи, кучли иродали, ғоявий эътиқодли, маънавияти юксак, пок виждонли шахсни камол топтириш, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Шу боис, таълим-тарбия жараёнида ёшларнинг танқидий фикрлаш фаолиятини шакллантириб, мунтазам ривожлантириб бориш, «субъект-субъект» муносабатини амалда таъминлаш натижада уларнинг ижодий фаоллиги, изланувчанлиги, иродавий сифатлари, ишчанлиги, эътиқодини таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида биринчи марта ДТС доирасида ёшларнинг танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган параметрлар ва талаблар белгилаб берилганлиги ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммо эканлигини кўрсатади ва унинг муҳим аҳамияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

1) мустақилликка эришгач, жамиятда билимдонликнинг ўрни ошиши, билишнинг чексиз имкониятларини эзгулик томон йўналтириш тенденциясининг пайдо бўлиши;

2) танқидий фикрлаш замонавий педагогик технологиялар, инновацион ёндашув асосида талқин қилинишига ижтимоий зарурат туғилиши;

3) ёшларнинг билим эгаллашга бўлган эҳтиёжи умумбашарий аҳамият касб этиши;

4) таълим-тарбия жараёнида комил инсонни вояга етказиш учун қўлланилаётган самарали йўл, шакл, методларни танлаш йўналишига модернизациялаш нуқтаи назаридан ёндашиш ва ҳ.к.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар ёшларнинг мустақил фикрлаш кўникмалари, унинг таркибий қисми бўлган танқидий фикрлашни шакллантириш муаммоси юзасидан педагогика фанида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур муаммонинг ечимига доир қарашлар, ёндашувлар ижтимоий-гуманитар, фанларда ўз аксини топган. Сўнги 10 йил мобайнида педагогика фанлари докторлари: Ж. Ғ. Йўлдошев<sup>1</sup>, М. Ҳ. Маҳмудов<sup>2</sup>, Р. Сафарова<sup>3</sup>, Ў. Толипов<sup>4</sup>, Ш. А. Абдуллаева, фалсафа фанлари докторлари: Қ. Назаров, З. Ғофуров, психология фанлари докторлари: Э. Ғозиев, М. Давлетшин, В. Каримова, Р. Суннатов, педагогика фанлари номзодлари:

---

<sup>1</sup> Йўлдошев Ж. Ғ. Узлуксиз таълимни ислохатлаштириш. – Т.: Ўқитувчи, 2001. –198 бет.

<sup>2</sup> Маҳмудов М. Таълимни дидактик лойиҳалаш. – Т.: Фан, 1999. –179 бет.

<sup>3</sup> Сафарова Р. Шахсни шакллантириш омиллари.// Таълим тараққиёти, 2001, – 3-4-сонлар.

<sup>4</sup> Толипов Ў., М. Усмонбоева. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. –206

П.Мусаев, Ж.Мусаев<sup>1</sup>, М. Усмонбоева, Абдулла Шер, Абдуллаев Хамид, Хасанов Умарларнинг ишларида мазкур масалага оид бир қатор назарий-концептуал ҳамда амалий ёндашувлар баён қилинган.

Ахлоқий тафаккурнинг илк бор Қадимги Шарқда вужудга келганлиги, Сомир (Шумер), Бобилон, Қадимги Миср, Қадимги Турон – Эрон, Қадимги Ҳиндистонда дастлабки ахлоқий ғояларнинг пайдо бўлганлиги таъкидланади. Қадимги Юнон ва Қадимги Румо мутафаккурлари яратган ахлоқ назарияларига, Ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида илгари сурилган ахлоқий қарашларга, айниқса Темур ва Темурийлар даври ахлоқшунослигига алоҳида эътибор берилади. Айни пайтда Янги давр ахлоқ фалсафаси, Шарқ ва Ғарб ахлоқшунослари назарияларининг ўзаро алоқалари ҳамда бир-бирига таъсири, уларнинг умумбашарий ахлоқий қадриятларнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этганлиги тўғрисидаги фикрларга, илмий хулосаларга кенг ўрин берилади. Шунингдек, Туркистон маърифатчи-жадидлари ахлоқий қарашлари алоҳида таҳлилдан ўтказилади.

**Тадқиқот мақсади:** ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган дидактик тизимни аниқлаш ҳамда ёшларни танқидий фикрлашга ундовчи таълим жараёнини ташкил этишга қаратилган илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

1. ёшларда танқидий фикрлаш кўникмасини шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлигини назарий ёндашувлар ва амалиётдаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда асослаш;
2. ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришнинг мавжуд ҳолатини аниқлаш;
3. ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш стратегиялари, дидактик имкониятлари, методикаси ва технологиясини белгилаш;

---

<sup>1</sup> Мусаев Ж. Замонавий дарс – талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш омили.// «Замонавий педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишнинг назарий ва амалий масалалари» Республика илмий-амалий конференция материаллари. Кўкон, 2002. 112-120-бетлар

4. ёшларнинг танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти:** ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган ўқув-билув жараёни.

**Тадқиқот методлари:** ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, кузатиш, суҳбат, анкета, савол-жавоб, тест сўровлари, педагогик эксперимент.

**Тадқиқотнинг методологик асослари:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида таълим-тарбия ва танқидий фикрлаш соҳасида илгари сурилган ғоялар, назарий ёндашувлар, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари», Педагогика фани концепцияси, Шарқ ва Ғарб педагогикасидаги назарий ёндашувлар, илғор педагогик тажрибалар, таълим тизими шу жумладан бошланғич таълимни ривожлантириш ҳақидаги назарий қарашлар, ёндашувлар, шунингдек мавзуга оид илмий-педагогик, фалсафа, социология ва психологияга оид манбалар, ўқув методик мажмуалар.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

1. Назарий ёндашувлар ва амалиётдаги ҳолатга таянган ҳолда, ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги асосланганлиги;

2. таълим тизимида ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришнинг мавжуд ҳолати аниқланганлиги;

3. ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришнинг стратегиялари, дидактик имкониятлари, методикаси ва технологияларини белгилаб берилганлиги;

**Тадқиқотнинг назарий аҳамияти:** Тадқиқот натижасида педагогика фани ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган назарий ёндашувлар, қарашлар, стратегиялар, махсус методика, инновацион

усулларга эга бўлди, шунингдек, ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган изчил педагогик тизим билан бойитилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:** Тавсия этилаётган стратегиялар, махсус методикадан шрта махсус таълим ўқитувчилари ёшларнинг танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда, ўқув дастурлари, дарслик, ўқув методик мажмуаларни яратишда танқидий фикрлашга ундовчи мавзулар, ўқув материаллари, таълимий топшириқлар билан бойитишда, шунингдек, мутахассислар таълим назариясини такомиллаштиришда самарали фойдаланишлари мумкин.

**БМИнинг таркибий тузилиши ва ҳажми:** тадқиқот иши кириш, 2 боб, 4 параграф, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

# **I. БОБ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЁШЛАРДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Мустақиллик йилларида ёшларга таълим-тарбия бериш усуллари**

XX асрда ёшлар муаммоси деб номланган бир қатор долзарб ва кескин масалалар жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиниб, XXI асрга ўтказилди. Уларнинг асосий қисмини таълим, бандлик, иш ҳақи борасида бошқа ижтимоий гуруҳлар билан тенглик, ҳокимият ишига аралашуш сингари ва бошқа ижтимоий муаммолар ташкил қилади. Бироқ ёшларни маънавий ривожлантириш, уларнинг ижтимоийлашуви, ижтимоий юзага чиқариши ва ўзини ўзи юзага чиқариши каби муаммолар анча фаол муҳокама қилинмоқда. Буни бир қатор объектив сабаблар тақозо этмоқда.

Ўсмирлик инсоннинг ички дунёсини, дунёқараш қоидаларини, ахлоқи нормаларини шакллантириш жуда муҳим бўлган давр ҳисобланади. Бошқача айтганда, ёшлик инсон олдида: «Мен кимман?», «Нима учун яшамоқдаман?», «Олам яхшироқ бўлиши учун нима қилиш даркор?» сингари абадий саволлар илк бор кундаланг бўладиган ёш. Бу саволлардан бирортасига бўлсада, жавобнинг топилмаслиги ҳаётни бунёдкорона барпо этишдан воз кечиш билан баробар. Ёшлар кўпинча кутишга ҳамда хатолардан сабоқ чиқаришга тайёр бўлишмайди. Улар ҳақиқат ва долзарб ҳаётий масалаларга жавоб излаб, ўзларига қизиқишни, ҳақиқат мавжудлигини ҳис этган ҳамда маънавий ҳақиқат лаззатини топган жойга мурожаат этишади.

«Ёшлар» тушунчаси ижтимоий-демографик гуруҳ таърифи сифатида XVIII аср охири - XIX аср бошида истифодага киритилган. Бунгача ёшлар алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида эътироф этилмаган. XIX аср охиригача ёшлар муаммоларига билвосита, шахсни ривожлантириш, тарихан муайян жамият фуқаросини тарбиялаш муаммолари орқали қаралган, бу ҳол ўйғониш даври фалсафасида, педагогикасида, психологиясида, Янги давр, XVII-XVIII асрлар Ғарб фалсафасида илмий шакл касб этган. Ёшлар



масалаларини назарий тадқиқ этишнинг долзарб бўлиб бориши, мустақил ёш концепцияларининг яратилиши XX аср бошига туғри келди ҳамда ёшлар социологик назарияларида ривожлантирилди<sup>1</sup>.

«Фалсафа қомусий луғат»ида «Ёшлар - ёш хусусиятлари, ижтимоий ҳолатининг ўзига хослиги билан ажралиб турувчи ижтимоий-демографик гуруҳ. Ҳозирги пайтда 14-16 ёшдан 25-30 ёшгача бўлган кишилар ёшларга мансуб ҳисобланади. Ёшларнинг алоҳида ижтимоий-руҳий қиёфаси жамиятнинг умумий ҳолати, ижтимоийлашув қонуниятлари, таълим-тарбия имкониятлари билан белгиланади», — деб қайд этилган бўлса, «Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати»да: «Ёшлик чегараси беқарор ва ажратилиши қийин лекин соҳа мутахассислари кўпинча уни 15-30 йил билан ўлчайдилар. Ёшлар баъзи умумий хусусиятлар билан тавсифланади: улар, одатда, замонавий ва билимли, янги касблар ва янгича турмуш тарзига интилувчан, ижтимоий жиҳатдан ҳаракатчан қатлам»<sup>2</sup>, деб тавсиф берилган.

Шундай қилиб, ёшлар жамият нормал иш олиб бориши учун зарур бўлган ижтимоий гуруҳ, эканлиги шубҳа туғдирмайди. Ёшлар муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблиги тобора ортиб бораётганлигини, шунингдек, ёшлар ўз табиатига кўра жамиятнинг ўзини ўзи тиклашини таъминловчи авлодлар ворисийлиги кодига эга эканлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ёшларнинг ҳозир ҳам, келажакда ҳам яшовчанлиги жамиятнинг ривожланиши шартларидан биридир. Жамиятнинг ривожланиши умуман ёш авлод позицияси қандайлиги, унинг қиёфаси, дунёқараши, саломатлиги, сермахсул ҳаётга мойиллигига боғлиқдир.

Бу гапларнинг бари замонавий фаннинг ёшлар ижтимоийлашуви муаммоларига қизиқиши ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Жамият ривожланишида ёшлар ижтимоийлашувининг роли тўғрисида кўплаб нуқтаи назарлар билдирилмоқда. Бу-мазкур ҳодисанинг фавқулотда мураккаблиги, ранг-баранглиги, зиддиятлилиги билан изоҳланади ва турли

---

<sup>1</sup> Ш.Ғойибназаров «Оммавий маданият» –Т.: «Ўзбекистон» 2012. 120-бет

<sup>2</sup>Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Ғ.Ғулом иомидаги НМИУ, 2010.152-б.

маъно-мазмун жихатидан ҳамда турлича ёндашувлар нуқтаи назаридан каралади. Шу нуқтаи назардан ёшларнинг таълим-тарбия олишлари ва етук шахс бўлиб етишишлари муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Таълимнинг янги мазмунини белгилаш бугунги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Замонавий жаҳон таълими кўплаб ривожланган мамлакатларнинг таълим соҳасида эришган ютуқларини мужассамлаштирган бўлиб, улар ўзининг мақсад, вазифалари, мазмуни, миллий хусусиятлари, ҳамда сифат кўрсаткичлари билан бир-биридан фарқланади. Таълим мазмунини истиқболлаштириш барчамизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан биридир. Шунинг учун таълим мазмунини ва уни ўқувчи шахсига йўналтириш соҳасида кенг кўламли изланишларни амалга оширишга эҳтиёж сезилмоқда.

Дунё миқёсида сўнгги йилларда таълим мазмунини белгилаш соҳасида жиддий илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Таълим мазмунини истиқболга йўналтириш жараёнида бошқа давлатларда тўпланган бой тажрибаларни таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш муҳимдир. Маълумки, ўзбек халқи таълим-тарбия соҳасида бой тарихий анъаналарга эга. Шунинг учун у узоқ асрлар давомида жаҳон таълим соҳаси ривожига ўзининг бой тажрибаси билан алоҳида ўрин эгаллади.

Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан бой маданий – тарихий, таълим-тарбия соҳасидаги алоқадор боғлаб туради. Шунингдек, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ҳам сўнгги йилларда Ўзбекистон таълим тизимиغا сезиларли таъсир ўтказиб келмоқда.

Мустақиллик омили туфайли, биринчи навбатда, таълим тизимини бошқариш жараёни тикланди. Таълим мазмунини янгилаш, ундаги тушунчаларни интеграциялаш ва улификациялаш, давлат таълим стандартларини яратиш соҳасида бир мунча ютуқларга эришилди. Таълимнинг ҳуқуқий, меъёрий асослари, таркибий тузилиши янгиланди. Таълим босқичлари орасидаги узвийликни таъминлашга қаратилган педагогик чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўқувчиларни муносиб касб-хунар билан таъминлаш соҳасида ўрта махсус касб-хунар таълими тизими янгича концептуал асосда ривожлантирилди. Ўқувчиларга таълим йўналишлари ва касб-хунар танлаш эркинлиги берилди. Таълим жараёнидаги узлуксизлик масаласига катта эътибор қаратилмоқда. 1997 йилда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”даги кадрлар тайёрлашнинг ўзбек модели” бунгунги кунга келиб таълим мазмунини такомиллаштиришда муҳим рол ўйнамоқда. Ана шу моделнинг 5 таркибий қисмлари ичида - таълимнинг узлуксизлиги муҳим масала ҳисобланади. Бу масаладаги умумий ўрта таълим эса унинг муҳим таркибий қисмидир. Шунинг учун биз ўзимизнинг битирув-малакавий ишимизнинг мавзуси қилиб “Замонавий таълим мазмунини белгилашнинг назарий- методологик асослари” деб белгилаб, асосий объект сифатида умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялаштириш муаммоларига қаратишни мақсадга мувофиқ деб топдик<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мактабларидаги педагогик жараённинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бу жараён турли –туман дидактик қарашлар, концепцияларга таянган ҳолда ташкил этилмоқда. Ушбу ёндашувларда педагогик парадигмаларнинг ўзгариши, ривожланган баркамол шахсни шакллантириш, унга янгича нуқтаи назардан туриб таълим-тарбия бериш ва такомиллаштириш йўллари, шакллари, усул ва методлари баён қилинган. Шундай концепциялар сирасига “Педагогика фани Концепцияси”, “Бошланғич таълим Концепцияси”, “Ўқув фанларини ўқитиш Концепция”ларини киритиш мумкин. Ҳозирги замон мактаб ўқувчиси эркин фикрлаш кўникмасига эга, билимдон, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни англаб етадиган шахс сифатида шаклланиши лозим.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даврида умумий ўрта таълим мактаблари янгича мавқега эга бўлмоқда. Улардаги таълим мазмунини босқичма-босқич ислоҳ қилиб бориш ва ривожлантириш талаб қилинмоқда. Ўзбек мактабларининг таълим мазмунини ривожлантириш йўли ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” 1997 йил. 29 август

тенденциясига назар соладиган бўлсак, қуйидагиларни аниқлаш имкониятига эга бўламиз:

-таълим мазмуни шаклланишининг дастлабки босқичида меҳнат ва политехник таълимга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки XX асрнинг 20-йилларида мамлакат тараққиёти учун ишчи кучига эҳтиёж мавжуд эди. Бу даврда таълим мазмунида коммунистик ғоявийликни таъминлаш устувор мақсад бўлган. Ўзбек халқининг қадимий маданияти, тарихини ўрганишга жуда кам ўрин ажратилган. Бу даврда ўқув режаларида меҳнат таълими, политехник таълим, математика ва физика, рус тили фанларини ўқитишга алоҳида ўрин ажратилди. Шунингдек, мактабларда лотин ёзувига ўтилди ва у кенг миқёсда ўргатила бошланди. Ҳукумат халқ таълимини кенг миқёсда қўллаб-қувватлади. Дарсликлар, ўқув адабиётларини чоп этишга катта миқдорда маблағлар ажратиб, алоҳида нашриётларни бириктириб қўйди.

Мустақиллик йилларида мактаб таълими тубдан ислоҳ қилинди. Таълим мазмуни дифференциациялаштирилган ҳолда, ҳар бир ўқувчига ўз имконияти ва иқтидори доирасида билим олиш ва касб танлаш эркинлиги берилмоқда. Мустақиллик йилларида мактабларда чет тили, иқтисодиёт асослари, тиббий билим асослари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, дунё динлари тарихи, маънавият асослари, одобнома, Ватан туйғуси каби ўқув предметларини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув режасида ўқувчи маънавиятини шакллантириш, унга миллий истиқлол ғояларини сингдиришга хизмат қиладиган ўқув фанларига алоҳида ўрин ажратилди. Ўқув дастурларида таълим босқичлариаро таълим мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланмоқда. Ўқувчиларни касбга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тақдим этиладиган билимларни тизимлаштиришда имкон қадар мавҳум тушунчалардан узоқлашиш, Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқув материалларининг ҳажмини белгилаш устувор аҳамият касб этмоқда. Ҳар йили мунтазам тарзда ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, имкониятлари, ўзлаштириш даражалари, фантехника ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, Давлат таълим стандартлари

такомиллаштирилади ва модернизациялашган ўқув дастурлари яратилади. Бу тизимда амалий машғулотлар орқали ўқувчиларни амалий фаолиятга ундашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув режасида бадиий-техник характердаги ўқув предметларига ҳам кенг ўрин ажратилди. Масалан, хуснихат, бадиий меҳнат, технологик таълим, чизмачилик, тасвирий санъат ва ҳоказо. Меҳнат таълими алоҳида ижодий характер касб этишига эътибор берилмоқда. Бу жараёнда ўқувчини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш имкониятлари изланмоқда. Чет тилларни ўқитишга бўлган эътибор ва интилиш кучаймоқда. Чунки бугунги кунга келиб хорижий тил ахборот олиш, уни айрибошлаш, илм-фан ютуқларини ўзлаштириш, халқаро ютуқлардан баҳраманд бўлиш воситасига айланмоқда.

Ўзбекистонда фан –техника ва технологияларнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашуви муносабати билан халқ хўжалигининг турли соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ижтимоий буюртманинг асосий қисми бўлиб қолмоқда. Бу муаммога бағишлаб бир қатор илмий тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Уларда ўқувчиларни муайян касб-ҳунарга йўллаш масалалари атрофлича ёритилмоқда. Бу даврдаги таълим мазмунининг муҳим жиҳатлардан бири ўқувчиларда маънавий-ахлоқий дунёқарашни қарор топтиришга хизмат қиладиган ўқув материаллари тизимини белгилаб беришдан иборатдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда педагогик назария беқиёс даражада ривожланди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари” талаблари асосида таълим жараёнининг ривожлантиришга йўналтирилган қатор концепциялар ва назарий ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда педагогика фани олдида турган муҳим масаллардан бири таълим мазмунини белгилашнинг асосий праметрларини аниқлашдан иборат. Дидактик моделлар таснифи ва таҳлилидан келиб чиққан ҳолда куйидагиларни ажратиш мумкин: шахсга йўналтирилган таълим, ўқувчини узлуксиз ривожлантириш модели, дидактика ўқитиш назарияси сифатида, кибернетик дидактика таълим жараёнини тизимлаштириш назарияси

сифатида кабилар шулар жумласидандир.

Таълим мазмунини белгилашда қуйидаги назариялар ва концепциялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: гуманитар таълим концепцияси, ўқувчининг фавқулодда талантини ҳисобга олиш асосида ўқитиш, таркиблаштиришга асосланган таълим, аналитик-эмпирик ўқитиш, мейёрланган ўқитиш, психоаналитик таълим, ақл-идроққа таяниб ўқитиш, таҳлилга асосланган таълим назариялари каби. Шуни таъкидлаш керакки, ўқитиш жараёнида барча концепцияларнинг элементлари бирдай иштирок этиши мумкин. Бу парадигмаларнинг ҳар бири дидактиканинг муайян фундаментал масалаларини ёритишга бағишлангандир. Бу парадигмалар мунтазам тарзда бир-бирини тўлдириб боради. Бироқ таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, таълим мазмунини белгилаш масаласи юқоридаги барча парадигмаларда ҳам бундай истиқболли йўналиш сифатида ўз ифодасини топмаган. Кўпгина тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ушбу парадигмалар орасида гуманитар ёндашув ҳамда таркиб-таҳлилга асосланган концепциялар таълим мазмунини танлашда устивор аҳамиятга эга экан.

Ўқувчи шахсининг шаклланиши ва унинг ижтимоий аҳамият касб этишида таълим мазмуни алоҳида аҳамиятга эга. Таълим мазмунини ўзлаштириш натижасида ўқувчининг ўз-ўзи ва ўз фаолиятини амалий татбиқ этиши учун шароит яратилади. Натижада алоҳида шахсининг эркинлик даражаси намоён бўлади. Ўқувчи шахсининг эркинлиги уч кўринишда ўз ифодасини топади. Бунда шахсининг илмий-назарий, ҳиссий ҳамда ижтимоий тажрибаси ҳисобга олинади.

Мамлакатнинг ривожланиши суръати, истиқбол йўли янгича мустақил фикрлайдиган, фидойи, ижтимоий фаол, маънавий ахлоқий етук, жисмоний салоҳияти кўламдор миллий мутахассисга бўлган талабни алоҳида босқичга олиб чиқди. Мустақил давлатнинг муносиб мутахассисини шакллантиришунинг шахсиятида наинки алоҳида қобилият ва майлнинг барқарорлигини, балки ижтимоий дахлдорлигини ҳам назарда тутати. Тўғри, инсон жамиятдаги ўз ўрнини, тақдири ҳақида ўйлайди, ўз Ватанини севиши,

миллатга мансублигини ҳис этиши мумкин. Бироқ булар фаолиятга кўчгандагина ижтимоий мазмун касб этади. Жамиятдаги ўз ўрни ҳақида ўйласаю, жамият олдидаги бурчини англамаса, бурчга содиқликни фаолиятида намоён этмаса ёки Ватанни севиш билан чекланиб, унинг равнақи учун курашмаса, миллатга мансублигини ҳис этсаю, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг амалиётида гавдаланмаса, бундан на жамиятга, на Ватанга, намиллатга манфаат бор.

Бундай шахслардан мустақилликнинг эҳтиёжларига ҳозир жавобликни кутиб бўлмайди. Маънавий ахлоқий, руҳий жисмоний етук ва фаол шахсгина жамиятнинг таракқиёт мазмунини, давлатнинг истиқбол йўлини, шахс, жамият давлат манфаатларини бир бутунлигини, ўзаро ички боғлиқлигини тушунади.

Албатта, маънавий ахлоқий, руҳий жисмоний соғлом ва етук кишиларни вояга етказиш осон гап эмас. Бунинг учун ҳатто бир неча ўн йилликлар кетиши мумкин. Бунда, аввало, одамлар тафаккурини янгилаш, табиатида миллий ахлоқ тамойилларининг барқарорлигига эришиш, истиқлол дунёқарашини шакллантириш зарур. Бинобарин, давр тақозо этаётган кенг қамровли билимга эга бўлиш, миллий ва умуминсоний қадриятлардан, муаззам тарих ва замонавий улуғвор бунёдкорликлардан баҳрамандлик, уларга садоқат ва ифтихор туйғуларини ўстириш лозимлиги равшан. Бу эса ўз навбатида маънавий маърифий ислоҳотларнинг тезкор амалга оширилишини талаб этиши шубҳасиз. Инсоният ҳаётида бутун умри давомида, баъзан эса узилишлар билан ҳам маърифат доимо амалда бўладики, бу ҳозирги даврга сайёрамизнинг ривожланган қисмида, даставвал, ахлоқ-одоб, сиёсат ва диний эътиқод доирасида амал қилаётган меъёрларда кузатилади. Айни вақтда, таъкидлаш лозимки, узоқ вақт мустамлакачилик, ижтимоий ҳаётнинг тоталитар тарзда ташкил этилганлиги остида бўлиб, эндиликда замонавий ривожланиш янгилиглар кирган Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда маърифат масалалари долзарблик касб

этиштабийдир”<sup>1</sup>

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXIаср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳартомонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

- болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёшавлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқувдастурлари ва ўқув-услугий адабиётларни такомиллаштириш;

- таълим жараёнига янги ахборот-коммуникатсия ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мултимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-ҳунарколлежлари, литсейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

- замонавий ахборот ва коммуникатсия технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникатсия алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини

---

<sup>1</sup>Бегматов А., Рустамова Р. Миллий ғоя тарғиботи ва маъданий-марифий тадбирлар. –Т.: «Маънавият». 2007. 35-б



янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

- ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш;

- илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан давлат дастури ишлаб чиқилган ва бугунги кунда барча мақсадлар кетма-кетликда амалга ошириб келинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ёш авлоднинг камол топишида ақлий тарбия ва мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришнинг ўрни ниҳоятда беқиёс эканлигини таъкидлаб, шундай дейди: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат - шижоатига, тўла - тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир»<sup>1</sup> Дарҳақиқат, ижтимоий онг, ақл-

---

<sup>1</sup>Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон. 2000. 58–б.

заковат, борлиқни идрок этиш, илм чўққисига интилиш ҳисси инсонни фикр тарбиясининг самарали йўллари, шакл ва методларини такомиллаштиришга ундайдики, бу, ўз навбатида, ёш авлодда танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришнинг таъсирчан механизмларини топишга замин яратади. Педагогик, психологик, социологик адабиётлар таҳлили танқидий фикрлашни шакллантиришга доир турли қарашлар мавжудлигини кўрсатади.

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири, тилшунос ва адабиётшунос олим ва маърифатпарвар Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат (1886-1938) 1929 йилда яратган «Тарбияйи авлод» («Авлод тарбияси» ва «Тарбияйи фикрия» («Фикр тарбияси») асарларида «соғлом фикрлилик» инсонни саодатга бошлашини уқтиради. У «Тарбияйи фикрия» асарида шундай ёзади: «Фикр ва ақл инсонни камолотга етказди ва ўқиш, ўрганиш қобилияти уни саодатманд қилади. Инсоннинг комил ақли яхшилик муҳокамасидир»<sup>1</sup>.

Инсоннинг барча мавжудотлардан юксак жиҳати - бу унинг фикрлаш қобилиятидир. Зотан, инсонлар бир-бирлари билан ўзига хос ўй-хаёллари, мушоҳадалари, фикр юритишлари, мустақил фикрлаш қобилиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам инсон фикрини тарбия қилиш муҳим саналади. Абдулла Авлонийнинг асарларида фикр тарбиясига оид қуйидагича талқин берилган: «Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража муҳтождурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдир»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, фикр устида буюк даҳолар сўз юритишиб, муайян таълимотлар яратишган. Фикрлашда қалб, онг ва сезгиларнинг уйғунлиги ҳақида Арасту таълимоти, фикрнинг эзгуликка йўналтирилиши ҳақида Абу Наср Фаробий, инсонпарварликка

---

<sup>1</sup>Абдурауф Фитрат. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ./ Ўзбекпедагогикаси анталогияси. С. Очиллов, К. Хошимов таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи.1999.36 – бет.

<sup>2</sup> Абдулла Авлоний. Мухтасари тарихи анбиё ва тарихи ислом. – Т.: Фан. 1994. – 293 бет.

йўналтирилиши ҳақида – Алишер Навоий, фикрнинг мантикийлиги ҳақида – Умар Ҳайём, фикрлашда сигнал тизими ҳақида И.П.Павлов, фикрнинг босқичма- босқич шаклланиши назариясини яратган П.Я.Гальперин, фикрлашда умумлаштириш ҳақида –Р. Давидов таълимотлари мавжуд.

Президентимиз Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида: «Бизга меърос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборатки, ўқув жараёнида ёшларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган билимнинг самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бир бойликдир»,<sup>1</sup>-деб таъкидлаган эдилар.

Бугунги кунда танқидий фикрлаш – XXI асрда ижтимоий-сиёсий соҳада содир бўлаётган ҳодисаларни янада чуқурроқ англашга ёрдам берувчи кўникма сифатида қаралмоқда. Танқидий фикрлашга ўргатиш Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да баён этилган юқори касбий маданиятли, ижодий ва ижтимоий фаол ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган малакали кадрларни шакллантириш вазифасини ҳал қилишга ҳам мос келади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Педагогик таълим Концепцияси» талаблари билан ҳамоҳанг равишда баркамол инсонни вояга етказиш зарурлиги таъкидланган. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ камол топаётган ёш авлоднинг танқидий фикрлашини шакллантириш ва ривожлантириш учун муҳит яратилди.

Кейинги йилларда хуррият буюк ўзгартирувчилик мўъжизасини кўрсатиб, дунёқарашимизни ўзгартириб, фикримиз, тафаккуримизни бойитмоқда.

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Жамятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни –миллат қилишга хизмат этсин. // «Тафаккур». 1998 йил. 2-сон

Воқеалар ривожини бутун моҳияти билан англаш, дунёга кенгроқ ва тийранроқ назар билан қарашни тақозо этмоқда.

Шу жиҳатдан олганда ёшларни «ўқишга ўргатиш», ва танқидий фикрлашни эгаллашлари муҳим вазифалар қаторидан ўрин олмоқда. Янги ахборотларга дуч келар экан, ёшлар уни мустақил равишда баҳолаши, унга турли хил нуқтаи-назардан қараши, ундан ўз эҳтиёж ва мақсадлари йўлида фойдалана олиш имконияти тўғрисида хулоса ясай олишлари зарур. Ҳақиқий танқидий фикрлайдиган шахс бўлиб етишиш учун ёшлар ижодий фикрлаб, ўзини синаб кўриши ва бунга оид малакаларни эгаллашлари зарур.

## 1.2. Ёшлар тарбиясида эстетик тарбия ва эстетик маданиятнинг аҳамияти

Эстетик тарбия – инсоннинг воқеликдаги ва санъатдаги гўзалликни идрок этиш, тушуниш ва қадрига етиш қобилитини ўстиради. Эстетик тарбия, шунингдек, инсоният, фаолиятининг ҳар қандай соҳасида эстетик бойликлар яратиш, яъни гўзаллик қонуни бўйича ижод қилиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Эстетик тарбия ижтимоий шароитларга боғлиқ<sup>1</sup>.

Эстетик тарбиянинг асосий мақсади жамият аъзоларининг ҳар томонлама мукамал ривожланишлари учун гўзалликни тўлақонли ҳис этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Эстетик тарбиянинг ҳаётий омиллари фақат эстетика, маданият, санъат, адабиётдангина иборат эмас. Ижтимоий онг кўринишлари ва эстетик қарашлар билан бир қаторда, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар, турмуш ва техника, спорт ва миллий урф-одатлар ҳам нафосат тарбиясининг ниҳоятда муҳим омилларидир.

Эстетик тарбияни тўла амалга оширмай туриб ахлоқий, ғоявий–сиёсий тарбия асосида ривожланган баркамол шахсни вояга етказиб бўлмайди.

Эстетик тарбиянинг асосий маъноси ва вазифаси кишилардан дунё гўзаллиги тўғрисида ҳис-туйғулар, тассавур ва фикрларни тарбиялаш ва такомиллаштириш орқали инсон шахсининг ҳар томонлама ва уйғун ривожланишига кўмаклашишидан иборат.

Эстетик тарбия энг аввало, табиат ва жамиятда ҳамда санъат асарларида гўзалликни кўра билиш, уни тўғри тушиниш ва қадрлаш қобилитини тарбиялашдан иборат. У ҳаёт ва меҳнатнинг барча томонларига гўзаллик ато этиш қобилитини тарбиялаш, ҳаёт ва санъатда бемаъниликка, хунуликка қарши кураш ҳамда қобилитига қараб санъатда ўзининг ижодий камолотини кўрсатишни назарда тутди.

Эстетик тарбиянинг асл моҳияти инсонни реал дунёда мавжуд бўлган гўзалликни тўғри идрок қилишга ва ҳаётда ҳақиқий гўзаллик учун курашга

---

<sup>1</sup> Умаров Э. Эстетика. -Т.: Ўзбекистон. 1995. 98-бет

ўргатишдан иборат.

Юқорида айтилганлардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

**Биринчидан:** инсон ўзининг меҳнат фаолияти натижасида воқеликни эстетик ўзлаштиради. Ундаги гўзалликни кашф этади ва идрок қилади.

**Иккинчидан:** эстетик тарбия ишнинг барча усул ва воситалари кишида тўғри эстетик фикр ва идрок қилишни ривожлантиришга қаратилмоғи лозим. Яъни кишининг эстетик баҳоси, мулоҳазаси ва идроки воқеликда мавжуд бўлган гўзалликни ёки хунукликни тўғри акс эттириши керак.

**Учинчидан:** эстетик тарбия кишида ҳар томонлама ва кенг эстетик дид ва манфаатларни ривожлантиришни, кишиларни ҳар қандай хунуклик, ярамасликка нафрат кўзи билан қараш, гўзалликни ижод қилиш руҳида тарбиялашни назарда тутди.

Эстетиканинг мақсади – инсонда ҳаётдаги, санъатдаги гўзаллакларни умумжаҳон кадриятлари нуқтаий назардан идрок эта билиш ва баҳо бера олиш қобилитини тарбиялаш ва ўстиришдан иборатдир.

Биз эстетик жиҳатдан яхши тарбия олган деб ўз меҳнати билан ҳаёт гўзаллигига қўшувчи, меҳнат ва ижтимоий фаолиятини эстетик камолат даражасига кўтарувчи комил инсонни тушунамиз.

«Агар кишини турмуш устози доно қилмаса, ҳеч доно унга сўз ўргатмоқ учун овора бўлмасинки, меҳнати зоя кетади», - дейди Кайковус. Демак, кишини тарбиялашда ҳаётий таъсирининг роли Кавказнинг диққатидан четда қолмаган. Яна у тарбияни инсон ақлини, шахсий ҳаётини шакллантирувчи омиллардан деб билади. Унинг фикрича, дунёни билишдан мақсад ундан фойдаланишдир.

Оддий мусиқа куйи, чиройли гуллар, суратлар дастлабки эстетик кечинмани келтириб чиқаради. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг эстетик тарбияси, аввало уларнинг «кўриш», «ешитиш», табиат кўринишлари, атроф муҳитдаги гўзалликларни ажрата билиш ва боҳолаш кўникмасини ҳосил қилишга қаратилган. Бунинг учун ашула, мусиқа, ўйин, расм солиш, ҳайкалчалар яшаш машғўлотлари кенг қўлланилади. Эстетик

тарбия ақлли, ахлоқий ва жисмоний тарбия билан узвий боғлиқ.

Эстетик тарбия ёш авлоднинг ахлоқ маданиятини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Санъатга эҳтиёжни, уни тушуношни, бадиий ижодда фаол қатнашишга интилишни тарбиялаш эстетик тарбиянинг бринчи навбатдаги вазифасидир. Ўз навбатида санъат ҳам бирор мақсаддаги қаратилган эстетик тарбиянинг муҳум воситаси ҳисобланади.

Эстетик ҳиссиёт ҳаёт ҳодисаларини ёки санъат асарларини эстетик идрок этиш жараёнида пайдо бўлади.

Эстетик ҳиссиёт шу идрок юзага келтирадиган ўзига ҳос кечинмадан иборат бўлиб, гўзалликни ва юксакликни, фожиавийлик ёки кулгилиликни ҳис қилиш сифатида юз беради. Инсоннинг ҳаётга эстетик муносабати нозик ҳиссиёт тарихий тараққиёт маҳсулидир. У жамият эстетик онгининг даражасини акс эттиради<sup>1</sup>.

Эстетик дид турли эстетик ҳодисаларга нозик баҳо бериш, аввало, чиройликни, гўзалликни хунуқликдан, жирканчликдан фарқ қила билиш қобилиятидир. Санъат асарларига баҳо берадиган ҳолларда эстетик дид бадиий дид ҳам деб аталади. Яхши эстетик дид чинакам гўзалликни лаззат ола билиш, меҳнатда, турмушда, юриш-туришда, санъатда гўзалликдан идрок этиш ва яратишга эҳтиёж сезиш демақдир. Аксинча, ёмон эстетик дид инсонни воқеликка эстетик муносабатини бузади, чинакам гўзалликка уни лоқайд қилиб қўяди, баъзан эса ҳатто шунга олиб келадики, инсон хунуқ нарсадан лаззат оладиган бўлади. Ривожланган эстетик дидни шакллантириш эстетик тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Таълим-тарбиянинг бошқа шакллари каби эстетик тарбия ҳам ўз диққат-эътиборини яқка одамга ва ижтимоий гуруҳга қаратади. Эстетик тарбия умуминсоний ва миллий қадриятларини қарор топдиришга хизмат қилади. Аёнки, тарбия инсон онгига, ҳис-туйғуларига, тасаввурларига, этиқодига, дунё қарашига, хатти-ҳаракатларига, хулқ-атвориға таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб қўяди.

---

<sup>1</sup> Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ. 1998. – 177 бет.

Эстетик тарбия ҳам ана шу умумий мақсад ва вазифанинг таркибий қисми сифатида амал қилиб, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик ҳодисани англатади. Шунини таъкидлаш лозимки, қадимги дунёда умуман тарбия мақсади эстетик асосида намоён бўлган. Масалан, «руҳ ва бадан» ҳамаоханглигини қарор топдиришга йўналтирилган эди.

Афлотун ва Арасту каби забардаст мутафаккирлар таълимотларида эстетик тарбия тизимининг бир-бирдан фарқли томонлари бўлган ҳолда умумийлик ҳам мавжуд бўлиб, у ягона эстетик орзунини қарор топдиришга, ягона ахлоқий ҳулқ-атвор ва фуқоролик хислат фазилятларини шакллантиришга хизмат қилган эди.

Бугунги кунда эстетик тарбиянинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Биринчидан, мустақиллик шароитида инсон омили ортиб бормоқда, ҳаётнинг барча жабҳаларида фаолият кўрсатаётган инсонларнинг эзгу хислат – фазилятлари, онглилиги, фаоллиги, ижодий қобилиятлари ўсмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилигининг умумий маданияти юксалиб бориши жараёнида янги техника ва технологиялар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш иши тобора такомиллашиб бормоқда.

Учинчидан, янги ишлаб чиқариш муносабатлари, бозор иқтисодиётининг кенг ўзини эгаллаб бораётганлиги қонунчилигининг янада ривожланиб амал қилинаётганлиги фуқороларнинг умумий маданияти, айниқса, эстетик маданияти даражасининг юксалиб боришини тақозо этмоқда.

Тўртинчидан, ҳозирги давр илмий техника инқилоби шароитида электроника, автоматика, кибернетика, информатика каби фанлар ишлаб чиқариш соҳасини тубдан қайта қуришга имкониятлар яратиб бермаяпти. Бу ҳол ишлаб чиқаришда банд бўлган одамларнинг руҳий ҳолатининг ҳам тубдан ўзгаришини, ижтимоий руҳи, ахлоқий эстетик савиясини оширишни тақозо этмоқда.

Бешинчидан, радио, матбуот айниқса “ойнаи жаҳон” каби оммавий ахборат воситаларининг турмушидан кенг ўрин олиши натижасида бадиий ахборот ҳажмининг ҳам кескин ортиб бориши эстетик тарбияга янада кўпроқ



эътибор беришни талаб этмоқда.

Авваллари эстетик тарбия ўта тор ва бир томонлама талқин қилинар, яъни уни санъат асарларини тўғри идрок этиш, бу билан алоҳида лаззатланиш ёки бирор санъат турини билиб олиб, муайян бадий кўникмаларга эга бўлиш доирасида инъикос этилар эди<sup>1</sup>.

Бадий тарбия эстетик тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, у эстетик тарбиянинг асосий мазмуни ва мақсад – йўналишларини тўла ифодаламайди. Бадий тарбиянинг асосий мақсади муносабатларни санъат воситалари ёрдамида шакллантиришдир.

Эстетик тарбия билан бадий тарбияни бир-бирига тенглаштириш ҳам, қориштириш ҳам, қарама-қарши қўйиш ҳам хато бўлади. Шунини эсда тутиш лозимки, эстетик тарбия санъат билан чегараланиб қолмайди, балки унинг асосий мазмуни инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини фаоллаштириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Эстетик тарбия инсоннинг эстетик онгининг шакллантириш жараёнида уни ахлоқий меҳнат экологик жиҳатлардан тарбиялаш вазифаларини қамраб олади.

Эстетик тарбиянинг ахлоқий тарбияга таъсири шундаки, нафосат олами эзгулик ва яхшиликдан, беғарасликдан ажралмаган ҳолда амал қилади. Эстетик тарбиянинг меҳнат тарбияси билан бирлашиб кетиши, меҳнат жараёни шахснинг табиий эҳтиёжига айланиб боришида ўз ифодасини топади.

Эстетик тарбия билан экологик тарбия боғлиқлиги эса табиатга беғараз, инсоний муносабатда бўлишида, жамият билан табиат ўртасида ҳамоҳанг алоқадорлик муносабатларини ўрнатишда намоён бўлади.

Шундай қилиб эстетик тарбия – бу эстетик жиҳатдан ривожланган ва ижодий фаол бўлган инсон шахсини шакллантириш демакдир. Эстетик тарбия инсонпарвар моҳиятга, эстетик орзу мос келадиган воқеликни идрок этиш, боҳолаш ва нафосат қонунлари асосида қайта яратишга қодир бўлган

---

<sup>1</sup> Умаров Э. Эстетика. -Т.: Ўзбекистон. 1995. 56-бет

инсон шахсини шакллантиришга мўлжаланган таълим-тарбия соҳасидир.

Эстетик тарбиянинг энг муҳим воситаси санъат нафақат бадиий кадриятларни идрок қилиш, балки уларни яратишни ҳам ўз ичига олади. Бадиий кадриятларни яратишда жамият аъзоларини, айниқса ёш авлоднинг фаол иштирок этиши муҳимдир. Бунинг учун эса уларда эстетик дид-фаросат талаб-эҳтиёжлари ривожланган бўлиши зарур.

Эстетик тарбия ижтимоий фаол, ҳар томонлама ва ҳамоҳанг ривожланган шахсни тарбиялаш мақсадига хизмат қилади. Ёшларни ҳар томонлама ҳам ақлан, ҳам жисмонан баркамол, ахлоқан етук, маънавий пок, эстетик идрокли қилиб тарбиялашдек муҳим ва долзарб муаммоларни ҳал этишни тақозо қилади.

**Эстетик маданият.** Маданият тараққиёти даражаси жамиятнинг маънавий аҳволини белгилаб берадиган, унинг олий мақсадларига гуманистик идеалга нечоғли мувофиқ келишини кўрсатадиган муҳим омиллардан биридир.

Ана шу нуқтаий назардан келиб чиқадиган бўлсак, халқ маънавиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, жамиятнинг ҳиссий қабул қилиши, яъни инсоният деган умимий тушунчани ўзида мужассамлаштиришда номоёндыр.<sup>1</sup>

Бугунги кунга келиб инсоннинг эстетик маданият шаклланиши қайси йўналишларда олиб борилмоқда? Республикамизда маънавиятни юксалтириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу саволларга жавоб бериш учун, аввало, «эстетик маданият» тушунчасига аниқлик киритиб олайлик.

Эстетик маданият – бу инсон эҳтиёжларининг мураккаб тизими бўлиб, унда одамзод ҳиссиётлари, малакалари, кўникмалари, билимлари, меъёлари, маслаклари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлигини кўрамыз. Чунончи, эстетик ҳиссиётлар инсоннинг ҳаёт фаолияти тўлалигини билдирса, меъёрлар ижод ва фаолиятининг мезонига солиниши воситасини англатади

---

<sup>1</sup> Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ.1998. – 177 бет.

билимлар инсоннинг дунёкарашини, ишончини, эстетик баҳолашининг йўналишларини, дидларини, қарашларини белгилаб беради. Ҳа, эстетик муносабатлар одамларни уларнинг фаолиятидаги турли қарашларини, шакл-шамойиларини маълум бир мақсадга қаратади.

Дарҳақиқат, эстетик маданият бу, фақат гўзаллик қонунлари ва меёрлари асосида ижод қилишнигина англатмайди, шунингдек, у инсоннинг теварак – оламга нисбатан бўлган фаолиятини ва муносабатини ҳам билдирадиги мазкур омиллар инсон, биринчи навбатда, гуманистик, умуминсоний ғояларни, идеалларни ўзлаштириши лозимлигини назарда тутди.

Шунинг учун эстетик маданият жамиятда жуда кўп вазифаларни бажаради. Информатив, билим ортиришга хизмат қилиш, аксиологик коммуникатив, регулатив, тарбия, прогнозлаш эстетик маданиятнинг муҳим функциясини алоҳида таҳлил қилиб ўтирмасдан, фақат мазкур функциялар бир бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ва бири иккинчисидан ажралмаслигини эслатмоқчимиз, ҳолос.

Эстетик маданият табиатни ўзлаштириш жараёни ва унинг натижаларининг, меҳнат фаолияти, маиший ҳаёт, ижтимоий ҳаётнинг эстетик лаҳзалари, синфлар ва руҳларнинг, эстетик тарбияни назарияси ҳамда амалиётини ҳарактерлайди, одамлар ижтимоий эстетик фаолиятининг турли–туман шаклларини англатади, чунки амалиёт асосида одамлар реал ижтимоий эстетик ихтиёжлари қондирилади. Шу боисдан унинг жамият маданият ва шахс эстетик маданияти каби турлари мавжудлигини ёдда тутиш лозим бўлади.

Ҳозирги илмий тассавурга кўра, жамиятнинг эстетик маданияти ўзида эстетик объектларни ва ҳодисани, эстетик қадриятларнинг барча турларини, уларнинг табиати ва фаолияти кўрсатишлари ҳақидаги билимларни мужассамлаштиради. Эстетик онг одамларнинг эстетик фаолияти ва уларнинг ўзаро муносабати эстетик қадриятлар, эстетик тарбия асосида ўсиб келаётган ёш авлодга эстетик маданий фазилатларни, воқеаларни эстетик қабул қилиши, шунингдек онг ва эстетик ҳатти – ҳаракатлар кўникмаларини

шакллантиришни назарда тутуди. Шахснинг эстетик маданияти тўғрисида гап кетар экан, бу тушунча ўзида жамиятни эстетик маданиятни фақатгина ўз халқининг эстетик ва бадиий қадриятларини эмас балки бутун инсоният барча қадриятларни ўзлаштиришни, санъатни баҳолаш ва муҳокама этиш, ишга жорий муносабатда бўлиш, табиатни эъзозлаш ва ҳурмат қилишни ҳам назарда тутиш лозим бўлади.

Шахснинг эстетик маданияти инсон фаолиятининг барча турларида ва шаклларида номоён бўлади, инсон маънавий маданиятининг умумий даражасигина эмас, балки индивидуал эстетик тассавурини, муносабатларни, хулқ – атворини, тафаккури ва нутқини, ҳаёти ва меҳнатини қамраб олади. Шахслараро муносабатни ва ҳоказо тушунчаларини ўзида гавдалантиради.

Масалан, марказий Осиё халқлари маданиятининг ажралмас қисми бўлган маънавий эстетик ҳодисалар – суфийлик, жадидчилик, калом ва бошқалар ўрганиш доирасидан ташқарисида туради ёки улар тўғридан – тўғри революцион оқим деб баҳоланади. Ансорий Санойий, Аттор, Румий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Баховуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро ва бошқа ўнлаб буюк зотлар ижоди ёш авлодни бирор фойдага эмас, деб боҳаланди. Ҳа, Марказий Осиё халқининг фалсафий, диний, бадиий мероси шўро даврида асосан инкор этилди ёки хатто ҳеч нарса дейилмади. Бунда инсон фаолиятининг ўтган асрларда яратган манавий олами намуналари тўла равишда ўз ифодасини топа олмади. Бу эса, оқибатда инсоният билан тарих шахс билан жамият ўртасида узилишга, суний пасивликка, бефарқликка, ўтмиш манавий эстетик маданиятига менсимасдан қарашига олиб келди. Бунинг натижасида ижтимоий лоқайтлик ўзининг энг олий нуқтасига етди. Бундай соғлом ақлга зид ҳодиса ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Бўронли бекат» («Асрларни қаритган кун») романида ўз ҳаққоний бадиий ифодасини топган эди. «Манқуртлик» тушунчаси жамиятдаги маънавий ва эстетик маданият инқирозини чуқур ифодалаб беради. Ҳолбуки, эстетик маданият жамият тараққиётининг зарур унсири ҳисобланади, у инсон моҳиятини рўёбга чиқариш ва тасқидлашда муҳим

омил сифатида яққол кўзга ташланади, шу билан у жамият ҳаётининг энг туб асосларида инсонийлик тараққиётига кўмаклашади.

Ўзбек халқининг эстетик маданият ибтидоси узоқ асрлар қарига бориб кадалади. Шу ҳақиқатни ҳам қайд этмоқ лозимки эстетик маданият, жамият ва инсоннинг манавий ҳаётида муҳим омил бўлишига қарамасдан, у фақатгина маънавий омиллар билан чегараланиб қолмайди ёхуд ижтимоий онг шаклидагина сақланмайди. У моддий маданият буюмларига ҳам, ижтимоий муносабатларда ва малакаларда ҳам мана ман деб кўзга ташланиши мумкин. Бошқача сўз билан ифодалаганимизда, «эстетик маданият» тушунчасини инсониятнинг тарихий тажрибаларида, ижтимоий – руҳий феноменларда ва ҳоказаларда акс этиши мумкин, яъни эстетик маданият – бу тарихий жиҳатдан вужудга ва моддий, ижтимоий, сиёсий, манавий соҳани, инсонни ижтимоий субекти сифатида эстетик эҳтиёжларини қондиришни назарда тутаяди.

Эстетик маданият бир авлоддан иккинчи авлодга, айниқса, санъат шаклида жуда тез ўтади. Чунки айнан санъат инсонга кўп асрлик ҳақиқат жараёнини излашга даҳлдорлик имконини беради, ўтган асрлар ўша бизгача етиб келган аждодларимизнинг драматизм ёхуд фожиавийликка тўла ҳаётини, қувончини, қайғу – аламини англашга, инсоният тажрибасини ўрганишга яқиндан кўмаклашади.

Бу тажриба, айни маҳалда тарихий маҳорат, одамзотнинг ижтимоий хотираси, инсоният тараққиётининг образи, мақсади, идеали сифатида майдонга чиқади.

Эстетик маданият инсониятни бир бутун организм сифатида бирлаштирувчи кучдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, Самарқанд ва Бухородаги меъморчиликка тегишли шош асарлар – Шохий Зинда ёдгорлиги, бибиҳоним мадрасаси, Гўри Амир, Исмоил Сомоний мақбаралари, ва бошқа бинолар кишилиқни ягона сафга бирлашишга даъват этувчи ўзига ҳос

чақириклар бўлиб, асрлар ўзра янграб турибди<sup>1</sup>.

Мазкур меъморий ёдгорликлар асрлар довомида ижтимоий идеалларга хизмат қилиб келар экан, улар фақатгина ўтган авлодларга ҳам мурожат қилиб манавий жиҳатдан сафарбар этиб қалбимизга ватанпарварлик, халқимиз, гуманизм, меҳнатсеварлик туйғуларини пайванд этади. Умуман олганда, эстетик маданиятни шакллантириш улкан меҳнатни талаб қилувчи, ботинан маълум даражада қарама-қарши жараёндир. Инсон ҳамиша ҳам бирор-бир ҳолат таъсири остида, ички олами тадрижи, мустақил ўрганиши, ўз билимини такомиллаштириши натижасида шахсий ҳаётида юз берган ўзгаришларни дарҳол фахмлаши ёки ифодалаши осон кечади.

Айтиш мумкинки, ижтимоий туб ислоҳатлар, маънавий янгилинишлар шарт-шароитида эстетик маданият муҳим аҳамият касб этади, яни у ҳар бир шахсга йўналтирилган ҳиссиётлар тили воситасида мулоқатга чорлайди, ҳар бир кишини ақл идрокка, фахм-фаросатга даъват этади, унинг қалбига кириб боради.

Эстетик маданият тушунчаси табиатда эстетик муносабатда бўлишни ҳам ўз ичига олади. Эстетик маданият орқали одамларнинг «эстетик маъсулияти», «эстетик хулқ атвори»ни юксалтириш анча ўнғай кечди. Табиатни асраб-авайлаш туйғуси барча одамларнинг ёрқин англашилган ҳиссиёти, одати, қатий ифодаланган тамойиллиги муҳимдир.

Табиат ҳамиша ҳам инсонга катта эстетик таъсир кўрсатиб келади ва шундай бўлиб қолади. Марказий Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқининг ўтмишидаги, ҳозирги кундаги ҳаёти бу фикрни яққол тасдиқлайди. Буюк аждодларимиз, чунончи, Алишер Навоий инсон табиат билан мувофиқ тарзда яшамоғи кераклигини муттасил таъкидлаганлар. Сиз-у биз яшаб турган ҳозирги кунларда ана шу тушунчани ва табиатга эҳтиром билан муносабатда бўлиш анъанасини қайта тикламоғимиз лозим. Зеро, эстетик маданиятнинг мақсади инсон ва табиатнинг яхлит тушунча

---

<sup>1</sup> Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Низомий номидаги ТДПУ, 2003. – 175 бет

эканлигини англашдан, табиатнинг тақдири учун масъулятни ҳис этишдан иборат бўлмоғи лозим.

Хуллас, эстетик маданият миллий онгни манавий уйғониш ва тарақиётни назарда тутувчи омиллардан бири бўлиб у улкан ижтимоий вазифани бажаради.

#### Йигит–қизлар тарбияси

Одам боласи инсоний гўзаллик учун курашиши, шу олий мақсад сари доимо интилиши лозим. Чунки инсонга ҳақиқий хусунни инсоний хулқ атвор, инсоний фазилат беради. Бундай гўзаллик инсон тириклигида ҳам, дунёдан ўтганда ҳам унинг айнамайдиган хусни адабий сиймоси бўлиб қолади. Шунинг учун А. П. Чехов: «инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи лозим: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам», - деган эди. Қоғоз гулни ҳечким димоғига келтириб ҳидламайди, тутмайди. Чунки унинг хиди йўқ, чаккасига тақмайди - нафосати йўқ лекин ҳидлари балқиб турган энг оддий гулни ҳам одам севади, ҳидлайди, ардоқлаб чеккасига тақайди. Донолар айтадиларки: «шарму ҳаё ниқобидаги чехра кутида сақланган кимматбаҳо гавҳарга ўхшайди».<sup>1</sup>

Қизлар ҳамиша чиройли бўлишни истайдилар, аммо чирой, хусун, ёшлик ҳамишалик эмас. Шу боис гўзал хусун ҳамиша ҳам бахт толега кафл бўла олмайди. Қиз бола учун хусун чиройдан ташқари ақл–идрок, ҳаё, ифбат, дид –фаросат, одоб, ўқув ҳам мужассам бўлмоғи лозим. Чунки жамиятда ҳам, муносабатда ҳам қизларнинг бўлғуси оналарнинг хусни, келишган қадди-қомади эмас кўпроқ ақл-идроки, ўқувлиги, ижобий хулқи қадрланади. Қиз ҳам, йигит ҳам ёмон ёки яхши бўлиб туғулмайдилар, уни ёмон қилган ҳам, яхши қилган ҳам тарбиядир. Йигитлар қизларнинг фақат чиройи учун эмас балки дилдорлиги, лобарлиги, ва назокати учун ҳурмат қилиб, севадилар. Чунки назокат–ички гўзалликдир. Бу ҳислатларнинг барчаси оилада тарбияланади.

Кийиниш – маънавиятнинг бир қирраси. Қандай кийиниш ҳар бир

---

<sup>1</sup> Сафарова Р. Шахсни шакллантириш омиллари.// Таълим тараққиёти, 2001, – 3-4-сонлар

инсоннинг ўз шахсий диди, маданий савиясига боғлиқ. Либоси, кийиниши орқали инсон атрофидагиларга ўзи нимага ҳавас қилаётгани тўғрисида малумот тарқатади. Инсонларнинг кийиниш маданияти ва муомала одобида миллатнинг қиёфаси кўринади. Кийим танлаётганда инсонни шу либос олдида тўхтатган куч – фикр, тушунча ва унда шаклланган дид ҳисобланади.

Кийинишда замонавийлик, миллийлик каби жиҳатлар баробарида унинг қулайлиги, кўркемлиги, иқлим шароити ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши лозим. Қалбида чинакам ғурур, ор ва номус масулияти ҳисси бўлмаган инсонлар ўзини жимжимадор буюмлар турли тақинчоқлар орқали намоён этишга интилади.

Халқимизда, «Кийимга қараб кутиб, ақилга қараб кўзатади», - деган нақл бежиз айтилмаган. Биз аجدодларимиз асрлар давомида орзу қилган, интилиб яшаган, гўзал ахлоқли, юксак маданиятли, фаҳм-фаросатли инсонлар жамиятини қуриш учун маъсулмиз. Шу боисдан бугунги кун ёшларини танқидий фикрлашга ундашда эстетик дид ва эстетик маданиятнинг роли муҳим ҳисобланади. Юқоридаги фикир мулоҳазаларга хулоса ясайдиган бўлсак шахсни ҳар томонлама комол топиши ва унинг баркамол шахс бўлиб вояга етиши учун аввало унинг таълим тарбиясига катта этибор қаратмоғ лозим ҳисобланади. Бу таълим тарбия жараёни билан биргаликда танқидий фикрлашга, эстетик дидни уйғотишга ундалади. Шундагина баркамол шахслар бўлиб етишига замин яратилади.



## II. БОБ ЁШЛАРДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК ШАТР-ШАРОИТЛАРИ

### 2.1. Ёшларда танқидий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган технологик ёндашув

Таълимнинг ўзига хос томони, у тарбияни ижтимоий ҳодиса сифатида педагогик фаолият, шахснинг шаклланишини ўзига бирлаштириб, ана шу учта асослардан реал педагогик жараёни тузади, бу жараён турли таълим-тарбия концепциялари, назариялари ёрдамида лойиҳалаштирилади ва таълим тизими муассасаларида тадбиқ этилади. Таълим тушунчаси, бу умумий яхлит функционал ва мазмунли категориядир. Шундай экан, ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш кўп жиҳатдан ўқув материали ва унинг турли шакллари лойиҳалашга боғлиқ. Я.А.Каменский «Тилларни ўқитишнинг янги методлари» асарида: «Таълим - бу ёшларни ўқув материали билан таништиришдир»<sup>1</sup> -деб ёзган эди. Унинг ёзишича, таълим учликдан иборат: ўқитувчи, ёшлар ва ўқув материали. Ўқитувчи - билим берувчи, ёшлар билимларни идрок қилувчи, ўқув материали эса- бу билимларнинг ўқитувчидан болаларга ҳаракати демакдир. Демак, маълумот мазмуни ўқув материалларида моддийлаштирилар экан, танқидий фикрлашни шакллантириш учун лойиҳалаш жараёнларини бошқариш маълумот мазмунига атрофлича педагогик ишлов бериш, танланадиган ўқув материалларини ёшларнинг реал билиш имкониятларига мослаштиришни тақозо қилади. Шу йўл билан ҳажм жиҳатидан ихчам, болаларбоп топшириқлар, ўқув мажмуаларининг яратилиши ёшларнинг ҳар томонлама фикрлаш қобилиятини шакллантиради. Юқоридаги тезисга риоя қилиш ўрганилаётган муаммо доирасидаги жараёни бошқариш, ахборотларни оптимал танлаш, таълимнинг самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш имкониятларини оширади. Ёшларининг танқидий фикрлашини шакллантириш учун таълим жараёнини лойиҳалашда маълумот мазмуни ва таълим мазмуни тушунчаларини фарқлаш керак. М.Махмудов фикрича:

---

<sup>1</sup> Каменский Я.А. Избранные труды /Новые методы обучения языкам. – М.: Академкнига, 1965.33 –б

«Маълумот мазмуни: ёшларнинг маълумоти, ривожланиши, тарбиясини мўлжаллаб ҳозирги замон фани, техникаси, ишлаб чиқариши, фикрлашнинг умумий асосларига дидактик ишлов бериш йўли билан танланган билимлар, кўникма-малакалар, ижодий фаолият тажрибаси ва муносабатлар мажмуидир»<sup>1</sup>. Демак, бошланғич синф ёшларининг ижтимоий тажрибани ўрганишлари, таълим мазмуни, таълим жараёни контекстидаги маълумоти, тарбия ва ривожланиш мақсадида таълим жараёнига олиб кирилган билим, кўникма-малака, фаолият усуллари ҳамда табиат, жамият ва тафаккур ходисаларини эмоционал баҳолашга доир муносабатлари замирида танқидий фикр шакллантирилади. Танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида таълим мазмуни таълим жараёнига ўқув материали шаклида олиб кирилади. Маълумки, ўқув материали маълумот мазмунини шакллантиришнинг энг охирги даражаси саналади. У таълим бошлангунча турли норматив лойиҳалар - ўқув дастури, ўқув дарслиги таркибида тайёр ҳолда бўлади. Таълим жараёнида эса ўқув-тарбия ишлари ўқув материални ўрганишдан бошланади. Ўқув материали маълумот мазмуни билан таълим мазмуни ўртасидаги оралиқ бўғин ҳисобланади. Ўқув материали асосида иккиламчи лойиҳалар: дарс конспекти, топшириқлар тизими, тестлар, таълим эталонлари тузилади. Танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида ўқув материалининг икки хил таркибий узилишини фарқлаш лозим: ўқув материалининг мантиқий қурилиши; ўқув материалининг дидактик қурилиши. Ўқув материалининг дидактик тузилиши икки хил тушунилади: ўқув материалининг кенг (глобал) тузилиши; ўқув материалининг тор (локал) тузилиши. Ўқув материални локал тушунишда уч хил элемент ажратилади: билим, малака, кўникма. Ўқув материални кенг ҳодиса сифатида қараб, унинг таркибида қуйидаги элементларни ажратамиз: билимлар тизими, тушунча, термин, фактлар, қонуниятлар, назариялар, кўникма-малакалар тизими, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар тизими. Танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида ўқув материалларининг шакллари кўп.

---

<sup>1</sup>Маҳмудов. М. Иккиламчи дидактик лойиҳалар. //»Педагогик маҳорат». 2003 й, 2- сон, 20-23 бетлар.

Улардан бири ўқув топшириғидир. У қатор хусусиятларга эга: уларда ўрганилган ўқув материали мазмуни ҳам акс этган, дидактик лойиҳада болаларнинг ўқув-билув фаолияти ҳам моддийлаштирилади; дидактик лойиҳаларда ўқув-билув фаолияти усуллари ҳам берилади. Танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида кичик мактаб ёшидаги ЁШларнинг ўқитиш жараёнини лойиҳалаш босқичига ва аввало, таълимнинг кутилажак натижаларига алоҳида эътибор қаратилади. Технологик ёндашувнинг дастлабки босқичида дидактик воситаларни ишлаб чиқишни бир гуруҳ тажрибали услубчи ўқитувчиларга топшириш мақсадга мувофиқ бўлади. Танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Танқидий фикрлашга технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади. Танқидий фикрлашни шакллантириш технологиясини тушуниш учун аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик тамойилига риоя қилиш орқали эришилади, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг хатти-ҳаракати орқали ўқитиш тушунилади. Маълумки, педагог ўз олдида ёшлар материалнинг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олишсин, маълум билимларни эгаллаб амалиётда қўллашга ўргансин, деган мақсадни кўяди. Бунда бошланғич синф ўқитувчиси жамиятдан буюртмани умумий кўринишда олади.

Танқидий фикрлашни шакллантириш учун дарс мақсадларини белгилашнинг анъанавий усуллари асосан қуйидагилардан иборат: Ўқув материалининг режасидан келиб чиқиб, мақсадни белгилаш. Масалан, «Навоий асарларини ўрганиш», ёки «Биринчи бобнинг мазмунини ўрганиш». Бунда мақсадга эришилганлигини қандай аниқлаш кўрсатилмаган. Мақсадни педагог фаолияти орқали ифодалаш. Масалан, «Ёшларни Ўзбекистон ҳудудида жойлашган вилоятларининг тузилиши билан таништириш» ёки

«Ўсимликлар ҳаётини ўрганиш». Бунда ҳам таълим жараёнининг аниқ мақсадга эришганлигини қандай билиш мумкинлиги кўрсатилмаган. Ёшларнинг интеллектуал, эмоционал, шахсий ривожланишининг ички жараёнлари ва қонуниятлари орқали ўқув мақсадини қўйиш. Танқидий фикрлашни шакллантириш технологиясида назарда тутилмаган мақсадларни қўйиш услуби ўзининг ашёвий хусусиятига эга. Бу шундан иборатки, ўқитиш мақсадлари ёшлар ҳаракатида ифодаланадиган, аниқ кўринадиган ва ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади. Германия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда ёшлар ва ўқитувчи учун мақсадларни алоҳида-алоҳида белгилаш одатга кирган. Бунда мақсадлар ўқитувчининг фаолиятдан келиб чиққан ҳолда қўйилади (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, айтиб бериш ва ҳ.к), ёшларнинг ҳаракатларида ифодаланиладиган натижалар эса таълимнинг вазифалари дейилади. Вазифа ёшнинг тугалланган ҳатти-ҳаракатини ифодаловчи атама билан ифодаланиши шарт. Шундай қилиб, танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида асосий омил - педагог ҳамда ёшларнинг фаолияти ҳисобланади.

Танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида таълим мақсади шундай қўйилиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ ҳулоса чиқариш мумкин бўлсин. Педагогик адабиётларда вазифалар баъзан «идентификациялашган (таққосланадиган) педагогик мақсадлар деб аталади». Б. Блум ҳамда Б. Беспальколар вазифаларни янада аниқлаш мақсадида қуйидаги қадамларни қўллашни тавсия этишади:

- ҳар бир вазифалар гуруҳини «Дарс якунида ёшлар қуйидагиларни бажара олишлари лозим» деб бошлаш; ҳар бир вазифани рақамлаш;
- ҳар бир вазифани қуйидаги феъллардан бошлаш: санаб ўтинг, эсланг, сўзлаб беринг, кўрсатиб беринг, танланг, ҳисобланг ва бошқалар;
- ҳар бир вазифани ёшлар сўзи билан қўйиш; ҳар бир вазифа фақат битта натижани кўзлансин;
- ҳар бир вазифа «Ёшларнинг кейинчалик ўзини қандай тутиши кераклигига ишора қилсин»;

- вазифаларни шундай ёзиш керакки, унинг ишлатилишини мезонлаш ва кандай қилиб мақсадга эришилганлигини аниқлаш мумкин бўлсин<sup>1</sup>.

Демак, бу алфозда бажариладиган вазифалар ўқув саволларини, мавзуларни, бўлимларни, бутун фанни, нималарни баҳолаш кераклигини (оғзаки, ёзма, тест усулида) аниқлаб беришга имкон яратади.

Хорижий таълим амалиётида қуйидаги ўқув натижаларини даражалаш тарқалган:

1. Таништирув: мазкур фан соҳасидаги асосий тушунча ва тартиблар билан танишув.

2. Асосларни ўзлаштириш фан соҳасининг асосий тушунчаларини қайта изҳор(тасвир) этишни назарда тутувчи босқич.

3. Эгаллаш: фан соҳасидаги асосий тушунча ва тартибларни муваффақиятли тадбиқ этиш.

4. Тўлиқ эгаллаш - моҳирлик: мазкур фан соҳасидаги асосий тушунча ва тартибларни самарали қўллаш ва қолган ёшларга билимларни ва кўникмаларни ўзлаштириш ва мустақкамлаш бўйича ёрдам бериш.

Ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришда Бенжамин Блум таксономияси («Таксономия» тушунчаси нарсаларнинг табиий боғлиқлиги ва хусусиятларига кўра кўп босқичли (иерархик) тузилиши асосида тавсифлаш ва тизимлаштиришни англатади)дан фойдаланиб, умумий ўқув мақсадларини шакллантириш мумкин.

Бошланғич синф ёшларининг танқидий фикрлашларини шакллантириш учун педагогик технология асосидаги муайян дарснинг лойиҳасини тузиш кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши мумкин:

· ўқув предметининг ишчи дастурига асосан ўқитувчининг ўқув ва тарбия мақсадларини шакллантириш;

· таянч ўқув саволларини блокларга ажратиш (2 соатлик дарсга 2-5та);

· ҳар бир ўқув саволи бўйича ёшларнинг вазифаларини шакллантириш, унда қуйидагилар ифодаланади: 1) ёшлар мақсадга эришгандан сўнг

---

<sup>1</sup> Қуронов М. Қ., Қурбониёзова З. Қ. Ижтимоий педагогика. – Т.: РТМ, 2003, –48 бет

қиладиган хатти-ҳаракати билан тасвирланувчи феъли орқали ўхшаш ўқув мақсади шаклида ёки 2) Бенжамин Блум таксономияси ўқув мақсадларининг асосий тушунчалари (билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, мажмуалаш, баҳолаш) шаклида;

- ҳар бир вазифа бўйича шуғулланиш ва машқлар учун ўқув материалларини мустаҳкамлашни таъминловчи вазифалар (саволлар, масалалар, тест топшириқлари) тузиш (одатда баҳоланмайди);

- ҳар бир таянч ўқув мавзуси бўйича таркибида оғзаки, ёзма тест саволлари бўлган якуний назорат топшириқлари мажмуини тузиш, ушбу мажмуа мавзуларини маҳсулдор ва намойиш даражасида ўзлаштирилганлигини баҳолай олиш зарур;

- кўзланган мақсадга кафолатли эришувни таъминловчи ишчи дастурини, ўқитувчи ва ёшлар мақсади ҳамда назорат саволларига мос равишда дарс мазмунини ишлаб чиқиш;

- ўқитувчи ва ёшлар фаолиятининг узвийлигини таъминлаган ҳолда дарсинг боришини лойиҳалаш (асосий жойларини).

Ўқув материални дидактик лойиҳалаш масаласи М. Маҳмудов томонидан анча кенг таҳлил этилган. У «Дидактик лойиҳалашнинг илк қадами ўқитиш ва ўқиш мақсадларини аниқлашдан иборат»<sup>1</sup> - деб ҳисоблайди ва ўқув мақсадларини тўрт тоифага ажратади: бош мақсад, оралиқ мақсад, хатти-ҳаракатга тенг мақсад, эришилган натижани ўлчаш меъёри ва баҳолаш усули. Таълим жараёни бош мақсадни мўлжаллаб ташкил этилади. Оралиқ мақсадларни амалга ошириш эса бош мақсадга бўйсундирилади. Болалар оралиқ мақсадларга эришиш йўли билан давлат таълим стандартида қўйилган талабларни ўзлаштиришади. Хатти-ҳаракатга тенг мақсадга кўра ўқув фаолиятини ташкил этиш шарт-шароитлари қайд этилади, оралиқ мақсадга эришишга оид воситалар, ўқув ҳолатлари, топшириқлари, ўқув-билув фаолиятини амалга ошириш тартиби берилади. Эришилган натижани ўлчаш меъёри ва баҳолаш усулида эса турли ёзма ва

---

<sup>1</sup> Маҳмудов. М. Иккиламчи дидактик лойиҳалар. //»Педагогик маҳорат». 2003 й, 2- сон, 20-23 бетлар.

оғзаки топшириқларни, тестлар тўпламини бажариш, ўзи ва ўртоқлари билимидаги ютуқ ва камчиликларни баҳолаш кўзда тутилади.

Кичик мактаб ёшидаги ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш «Ўқиш», «Математика», «Она тили», «Атрофимиздаги олам», «Одобнома», «Табиатшунослик» ва бошқа дарсларда амалга оширилади. Бошланғич синф ёшларида таълимнинг илк босқичидан бошлаб, тарбиянинг янги омили ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келади. Болалар ўзларида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган шахс ҳислатларини таркиб топтириш, хулқ-атворидаги камчиликларга, салбий иллат ва сифатларга барҳам бериш соҳасида онгли равишда ёндашиш ҳислатларини таркиб топтириш лозим. Бунда ўз устида мунтазам равишда ишлаш «. . . одамнинг юксак даражада ўз-ўзини идора қилувчи, ўз-ўзини камол топтирувчи бирдан бир тизимдир», - деган эди Л. И. Божович<sup>1</sup>. Шундай экан, бошланғич синф ёшларини эзгу ғояларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларда танқидий фикрлашни шакллантириш учун ўқитиш мақсадларининг ёшлар ҳаракатида ифодаланилиши, аниқ кўринадиган ва ўлчанадиган натижалар орқали белгиланиши учун замин яратиш лозим.

Ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришда технологик ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологияларининг ўзга хос жиҳатлари нимада? Биз кўйида шу ҳақида фикр юритамиз:

-ўқув жараёни илмий жиҳатдан асосланган қонуниятларга таянган ҳолда ташкил этилади.

-ёшлар билан тақдим этилган ахборотлар орасида алоқадорлик вужудга келади.

-мазкур технологиянинг йўналишлари, қисмлари, ёшларни фикрлаш ва рефлексияга ундайди.

-хар бир ўқув вазияти, ўқув дақиқасида ўқитувчи мослашувчан ва мулоқотга ундовчи субъект сифатида намоён бўлади.

---

<sup>1</sup> Божович Л. И. Личность и её формирование в юношеском возрасте. – М.: Владос, 1998, –219 б.

-ёшларнинг танқидий фикрлаш кўникмаларини аниқлаш учун асосан матн устида ишлаш тавсия қилинади. Шу мақсадда матн билан ишлашнинг турли визуал шакллари ва стратегиялари тақдим этилади.

-ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш учун мунозаралар ва лойиҳалаш машғулоти муҳим аҳамиятга эга.

-ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган технологиялар ялпи таълим жараёнини ўзаро ҳамкорлик, биргаликда режалаштириш, фикрлаш асосида амалга оширилишини таъминлайди.

Технология атамаси танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнига тадбиқан қараганда алгоритмлашганлик ҳамда оддийлик маъносига эга эмас. У муайян мақсадга йўналтирилган очиқ стратегиялар тизимидир. Бу технологиялар ёрдамида ёшларда мустақил танқидий фикр шакллантирилади.

Биринчи навбатда бошланғич синф ёшларида танқидий фикр ўқиш ва ёзиш ёрдамида амалга оширилади. Ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш учун ўқиш, она тили дарсларида сюжетли матнлар, ҳикоялар эртаклар ҳамда ижодий баёнлар ёзиш ҳақида мустақил топшириқлар бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ижодий баён ёзиш орқали ёшларнинг мантиқий, амалий-конструктив ва индуктив-дедуктив фикрлаш доираси кенгаяди ва ёзма нутқи ривожланади. Ижодий тафаккури етарли даражада ривожланган ёшлар таълим жараёнидаги ҳар қандай муаммони ечишга йўл топади, ўз кучи, ақли, эгаллаган билими, малака ва кўникмаларига таянади ва ёшларнинг тафаккури чархланади. Ёшларнинг танқидий фикрлашлари учун эса булар муҳим шартлардан ҳисобланади.

«Ижодий вазифа ёшлар тафаккурининг эвристик (топқирлик) лаёқатини ўстиради»,-деб қайд қилади профессор О. Розиков<sup>1</sup> Бошланғич синф ёшларига баён ёздириш учун махсус тайёргарлик кўрилади. Биринчи синфдан бошлаб уларга маълум темалар бўйича сўз бирикмалари, гап тузиш, гапда сўзлар таркибига риоя қилиш, редметларни классификациялаш,

---

<sup>1</sup>Розиков О. Ўзбек тилидан дарс типлари. – Т.:1976. 61-бет



воқеанинг сабабини аниқлаш сингари ақлий ишлар ўргатиб борилади. Дастлаб оғзаки баён тузиш машқ қилинади.

Биринчи синфданок болаларга фикр изчиллигини қоидасини, аввал нималар ҳақида гапириш, сўнг воқеани қандай баён этиш кераклигини ва яқунлашни ўргатиш лозим. Бунинг учун режа тузиш, унга амал қилган ҳолда фикрни йўналтириш кабиларни вақти-вақти билан машқ қилиш таълим мазмунини кенгайтиради. Ёшлар учинчи синфда воқеаларни қарама-қарши кўйиш, таққослаш, анализ ва синтез қилиш малакаларини эгаллайдилар. Ҳар бир синфда ўтказиладиган баён шу синф ёшларининг ёш хусусиятларига мос бўлиши, уларнинг ақлий фаолиятларини ўстиришга ёрдам бериш назарда тутилади. Бундай топшириқлар ёшлар учун қизиқарли бўлиши билан бир қаторда, уларда танқидий фикрлашни шакллантириш нуқтаи назаридан жуда фойдали ҳамдир. Шу билан бир қаторда бу типдаги топшириқлар аксарият ёшларда бадиий асарларни ўқиш, уларни таҳлил қилишга қизиқиш уйғотади. Бошланғич синф ёшларида танқидий фикрлашни шакллантириш учун ўзаро алоқадор боғланишли мавзулар танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар «танқидий фикрлаш» сўзини эшитганда унда қандай таассуротлар ҳосил бўлишини ўқитувчилар саволлар ёрдамида аниқлаб олишлари лозим. Ёшларга ўқитувчи шундай саволлар билан мурожаат қилиши мумкин: ҳеч нарсага ишонмайдиган одам қандай одам? муайян ахборотлар оқимида фақат камчиликларни кўра оладиган одамлар қандай кишилар? каби, вазиятни ёки матнларни таҳлил қила оладиган ёшлар турли манбаларга мурожаат қилади. Ёшларда танқидий фикрлашни таркиб топтиришда уларда асар қаҳрамонларига нисбатан «бу фаол», «буниси эса фаол эмас» тарзидаги нуқтаи назарни ҳосил қилиш лозим. Бундай саволлар орқали ёшлар олдида муаммони ҳал қилишнинг турли йўллари излаш имконияти туғдирилади.

Ёшлардаги танқидий фикрлаш кўникмалари муайян асар ёки матнда қандай даражадаги қаҳрамонлар борлигини англаб етишга кўмаклашади. Бу эса, ёшларни турли вазиятлар ва қаҳрамонларга объектив баҳо беришга ундайди. Ёшлар танқидий фикрлаш туфайли салбий нуқтаи назарлар ижобий

ҳолатларни келтириб чиқармаслигини англаб етадилар. Ўқитувчи асар қаҳрамонлари ҳақида якуний фикрни эълон қилишдан олдин ҳар бир ёшларни батафсил тинглаши, шундан кейингина ўз нуқтаи назарини баён қилиши лозим. Ўқитувчи у ёки бу асар, матн асосида ўқув жараёнини ташкил этар экан, биринчи навбатда ўз эътиборини ёшлар ушбу асар ёки матнни ўз сўзлари билан баён қила олишларига қаратиши мақсадга мувофиқдир. Ёшлар матндаги асосий фикрни ажрата олишлари ва шу фикр атрофида туғилган саволларга жавоб беришлари, уларда танқидий тафаккурни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Матнни танқидий идрок этишда асосий фикр ёрдамида туғилган саволларга жавоб бериш ниҳоятда зарурдир. Масалан, «Муаллифнинг асарда баён қилган қайси фикри сиз учун аҳамиятли ва нега шундай деб ҳисоблайсиз?», «Асарда кўтарилган муаммо қаҳрамонлар ҳаётида қандай акс этди?», «Ҳикоя қандай қурилган, унда бош қаҳрамон ким? » каби.<sup>1</sup>

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бундай технологиялар асосида ишлаш натижасида 3-4 синф ёшлари танқидий фикрлай бошладилар. Танқидий фикрлаш ўқиш техникаси ва китобхонлик маданияти, тадқиқотчилик кўникмалари ва жадал ҳамда изчил фикрлаш малакаларининг шаклланишига асос бўлади. У ёшларни мантиқий фикрлашга ундайди. Ёшлардаги танқидий фикрлаш кўникмалари бу тафаккур юритиш стратегияси ва мулоқотга киришиш кўникмаларидан ташкил топган тизимдир. Бу тизим ёшларга тақдим этилган ахборотлар билан самарали алоқа ўрнатиш имконини беради. Бу тизимда стратегия атамасининг ўрни ва моҳияти нимадан иборат? деган савол туғилади. Бу атама таълим технологиясининг методологик асосларини мукамалроқ ифодалайди. Чунки стратегия муайян изчилликда таркиб топган методлар мажмуи бўлиб, у аниқ йўналтирилган мақсадга эгаллиги билан педагогик аҳамият касб этади. Танқидий фикрлашнинг турли қирралари, турли вазиятлар ва шароитларда

---

<sup>1</sup> Ҳасанбоева О. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи. 1996. –178 бет.

Ўзига хос долзарбликка эга. Чунончи, муаммоли вазиятларни ечишда турли усуллардан фойдаланиш, тақдим этилган ахборотларни турли даражаларда таҳлил қила олиш, саволларни шакллантира билиш техникасини эгаллаш кўникмаси кабилар.

Тиниш белгиларига риоя қилган ҳолда тўхтамли ўқиш ҳам ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Ёшлар тин олиб ўқир экан, бу жараёнда ички мунозара, ўрганилган билимлар эсга олинади, саволлар туғилади, онгда танқидий мушоҳадалар ҳосил бўлади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда тўхтамли ўқиш ўз-ўзидан амалга оширилиб, бу технологиянинг танқидий фикрлашни шакллантиришдаги аҳамиятига эътибор қаратилмайди. Тўхтамли ўқиш технологияси қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

1. Ёшларга ўқитувчи у ёки бу китоб билан танишиш тажрибаси ҳақида сўзлаб беради. Бу жараёнда ўқитувчи ўта самимий бўлиши лозим. Агар у мазкур асарни бир ўқишдаёқ идрок этолмаган бўлса, буни ёшларга яширмасдан айтиши керак. Ўқитувчининг бу тарздаги суҳбатлари 3-4 дақиқа мобайнида давом этиши лозим. Бу суҳбат асар сюжети атрофида бўлиши талаб этилади. Ўқитувчи ўзининг ҳиссиётларини айтиб бериши учун зарурият мавжуд эмас. Агар ўқитувчи ўз ҳиссиётларини баён этишга тайёр бўлмаса, унда асар муаллифининг фикрлари билан чекланиб қолиши керак. Ўқитувчи асар муаллифи ҳақида гапираётганда ёшларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда айнан ўша ёшда у қандай ишларни бажарганлиги устида тўхталиши лозим. Шундагина ёшлар бу ҳолатларни тез идрок этадилар ва ибратли жиҳатларини қабул қилиб, ўз ҳаётларига сингдириб оладилар.

2. Ўқитувчи дастлаб ёшлар билан асар номини муҳокама қилиши талаб этилади. У ёшларга “Асар нима учун шундай номланган?” деган савол билан мурожаат қилиши керак. Ёшлар шундай номдаги ҳикояда қандай воқеа рўй бериши ҳақида ўйлай бошлайдилар. Баъзи ёшлар ўз тахминларини шу муаллифнинг бошқа, ўзларига таниш бўлган асари билан боғлаган ҳолда баён

қиладилар. Бошқа бир ёшлар, бу асарнинг халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳамоҳанг жиҳатларини муқояса қилади. Яна бир гуруҳ ёшлар эса, ушбу воқеликни ўз ҳаётлари билан боғлаб талқин қиладилар. Бундай ҳолларда ўқитувчи ёшлардан ўз фикрларини ёзма баён қилишларини талаб этиши мақсадга мувофиқдир. Лекин дарснинг кириш қисми чўзилиб кетмаслигига ўқитувчи алоҳида эътибор қаратиши лозим. Баъзи ўқитувчилар муҳокамани ҳикоянинг дастлабки сартлари ўқилгач, босқичма-босқич ўтказишни маъқул кўрадилар.

3. Энг муҳими шундаки, матннинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи ўқув жараёнининг бошқарувчиси сифатида матндаги 3-4 тўхталишни олдиндан ажратиб олган бўлиши керак. Тўхталишлар давомида ўқитувчи ёшларга уларни танқидий фикрлашга ундовчи саволлар бериши лозим. Бу жараёнда нотаниш сўз ва ибораларни ўқитувчи изоҳлаб бериши, ёшларни уларнинг маъносини англашга ундаш мақсадида луғатларга мурожаат қилишга ўргатиши талаб этилади. Матнни ўқиш давомида ўқитувчи ёшларга қуйидаги саволларни бериши мақсадга мувофиқдир: «Асар қаҳрамонини нима шундай йўл тутишга мажбур қилди?», «Воқеалар кейинчалик қандай тус олиши мумкин?», Мазкур ҳикоя сизларда қандай таассурот қолдирди ва қандай ҳис-туйғуларни уйғотди? каби. Ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришда анъанавий ва ноанъанавий (замонавий-тизимли, технологик, тадқиқий-ижодий) ёндашувларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ёшларда танқидий фикрлашни шакллантиришга нисбатан мавжуд анъанавий ёндашувларнинг ўзига хос хусусияти шунда кўринадики, ўқитувчи муайян мавзунини оғзаки тушунтириб беради, ёшлар эса бу мавзунини ўзлаштириб, зарур билимларни хотирасида сақлайди. Ёшларнинг ўзлаштирган билим даражаси муайян мавзуга доир саволга берган жавобига қараб аниқланади. Баъзи ҳолларда ёшларнинг ўзлаштирган билимлари юзаки бўлиб, у кўникмага айланмайди ва у бундай вақтларда хотирада узоқ сақланмайди. Педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Ғ.Йўлдошевнинг таъкидлашича: «..анъанавий таълим

жараёнининг ўз афзалликлари бор: бундай таълим тури катта мавзуий шарҳ ҳолида жуда самарали бўлиши мумкин. У ёшларнинг эътиборини йўналтиради ва мавзуни чуқурроқ ва тушунарли бўлишига ёрдам беради»<sup>1</sup>. Демак, анъанавий синф-дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни ёшлар фаоллигини оширадиган турли-туман метод ва технологиялар билан бойитиб бориш лозим. Бу эса ёшларнинг ўзлаштириш даражаси юқори бўлишини таъминлайди. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан ёшларнинг қизиқиши орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс, мунозара, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисолларни келтириш, ёшларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш, турлибаҳолаш усуллари, таълим воситаларидан ўринли фойдаланиш талаб этилади. Шу билан бир қаторда, кичик мактаб ёшидаги ёшларнинг танқидий фикрлашларини шакллантириш учун ўқитишнинг ноанъанавий моделларидан: ҳамкорликда ўқитиш модели, моделлаштириш, ўргатишнинг тадқиқотчилик моделидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу моделлар асосан ёшлар йўналтирилган бўлиб, уларнинг марказида ёшлар туради. Бошланғич синф ёшларида танқидий фикрлашни шакллантириш жараёни қуйидагиларга асосланган ҳолда ташкил этилиши мумкин: -ёшлар ташаббуси ва мажбуриятини қўллаб-қувватлаш;-ёшларни танқидий фикрлашга амалий тажрибалар орқали ўргатиш;-ўқув жараёнини ўзаро мулоқотга асосланган ҳолда ташкил қилиш. Бизнингча, ҳамкорликда танқидий фикрлашни шакллантириш модели-ёшларнинг эркин мушоҳада қилишларига имкон беради. Ёшларни танқидий фикрлашга ўрганишнинг тадқиқотчилик модели - ёшларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот қилишга ўргатишни назарда тутувчи метод бўлиб, у анъанавий ва ноанъанавий таълим жараёнида ўзига хос тарзда амалга

---

<sup>1</sup>Иўлдошев Ж. Ғ. Узлуксиз таълимни ислоҳатлаштириш. – Т.: Ўқитувчи, 2001. –198 бет.

оширилади. Ёшларнинг ўз фикрларини очик баён қилишлари учун қулай педагогик муҳит ва имконият яратилади. Таълим мазмунини имкон қадар тўлиқ ўзлаштиришлари учун шароит вужудга келади. Ёшлар ва ўқитувчилар орасида ўзаро тенгликка асосланган мулоқот таркиб топади. Эгалланган билимларни амалда қўллашлари учун шароит яратилади. Мақбул таълим технологиялари қўлланилади. Ёшларда танқидий фикрлаш учун юқори даражадаги майл ҳосил бўлади. Тақдим этилган билимлар ёшлар томонидан имкон қадар тўлиқ ўзлаштирилади. Ёшларда танқидий фикрлаш кўникмаларининг ҳосил бўлиши учун ўқитувчи томонидан кўмак берилади. Ёшлар ўзлари ва ўртоқлари фаолиятларини баҳолай бошлайдилар. Ёшлар ўз олдларига қўйилган муаммоларни ечишга интиладилар. Ёшларда ўқув предмети ва ўқитиш жараёнига нисбатан ижобий муносабат таркиб топади.

Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши учун кўп вақт талаб этилади. Мураккаб материаллар ўрганилаётганда ҳам ўқитувчининг иштироки ва фаоллиги паст бўлади. Ўқитувчининг ёшлар фаолиятини назорат қилишдаги имкониятлари чекланади.

Ёшларда танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш жараёнида инсонпарварликлик тамойилларига амал қилинади:

педагогик воситаларни мустақил, танқидий фикрловчи, эркин ҳаракат қилувчи шахсни шакллантириш учун сафарбар қилиш, ҳар қандай ҳаётий ва мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган, мустақил фикрловчи ёшларни тарбиялаш;

ўқув-билув жараёнида ёшларни руҳий, жисмоний, интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга эришиш.

Ўқув жараёнида ёшлар муайян билимларни эслаб қолиш, уларни амалда қўллаш, бирор матнни қайта сўзлаб бериш билан машғул бўладилар. Ёшларни танқидий фикрлашга ўргатиш учун, уларга дастлаб у ёки бу вазият, фаолият, матнни танқидий таҳлил қилиш кўникмаси шакллантирилади. Бу жараёнда уларни ўз фикрларини очик, дадил баён қилишга ўргатиш керак.

Ёшларда танқидий фикрлашни самарали шакллантириш учун, улар ўз

фикри ва кучига ишониши лозим. Шу билан бир қаторда, ўз фикри ва кучига ишонч, ўзлигини англаш ҳиссини таркиб топтириш жараёни, улардан ижодий фикрлашни талаб қилади. Ўқитувчи ўқув жараёнини шундай ташкил этиши керакки, бунда ҳар бир ёшлар ўзи баён қилган фикрнинг тўғрилиги ва объективлигига ишонч ҳосил зарур. Акс ҳолда улар машғулот жараёнига фаол иштирок этмайдилар ва оммавий тарзда танқидий фикр ифодалашдан чўчийдилар.

Педагогик кузатишларимиз шуни кўрсатадики, агар ёшлар ўқув жараёнида аниқ, объектив фикр баён қилса, унда ўз фикридан қониқиш ҳисси пайдо бўлади. Ўқитувчининг ёшларга берадиган саволлари уларни танқидий фикрлашга ундаши лозим. Ўқитувчи томонидан бериладиган саволлар нафақат ёшларнинг билиш фаолиятларини бошқариши, балки уларнинг объектив, танқидий фикрлашлари учун туртки бўлиши керак. Демак, ёшларнинг танқидий фикрлаш фаолиятини саволлар ёрдамида таркиб топтириш муҳим педагогик аҳамията эга. Ўзлаштирилган билимларни идрок ва мушоҳада қилиш босқичида, ўқитувчи ёшларга қуйидаги саволлар билан мурожаат этиши мумкин: «Бу матндан сиз қандай янги маълумот олдингиз?», «Бу маълумотлар ҳақида қандай фикрдасиз?», «Бу маълумотлар қандай аҳамиятга эга?», «Сиз нимадан таъсирландингиз ва нима учун?», «Матнда баён қилинган воқеалар ҳақида қандай фикрдасиз?» ва ҳ.к.

Бундай саволларга жавоб бериш учун ёшларда биринчи навбатда мустақил, ижодий фикрлаш кўникмаси таркиб топган бўлиши керак. 3-синф «Ўқиш китоби» дарслигида келтирилган «Она Ватан» матни<sup>1</sup> устида ишларда, ўқитувчи ёшларга қуйидаги саволларни бериши мумкин: «Сиз қаерни она-Ватан деб атайсиз, нима учун? », «Сиз нима учун Ўзбекистонни севасиз?», «Ўзбекистоннинг асосий бойликлари нималардан иборат?», «Ўлкамизда мавжуд бўлган бойликлар қандай мақсадларда сарфланади?», «Юртимиз сарҳадлари деганда нимани тушунасиз?», «Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун нима ишлар қилиш керак?» кабилар. Ёшларнинг билиш

---

<sup>1</sup>М. Умарова, Ш. Хақимова. Ўқиш китоби. -Т.: «Ижод дунёси» 2004.-15-бет.

жараёнини фаоллаштиришда ўқитувчи билан ўтказилган савол-жавоблар билан бир қаторда, синф ёшларининг ўзаро мулоқотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам синфдошлараро ҳар қандай мулоқотни педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим. 3-4-синф ёшларида танқидий фикрлашни шакллантириш учун илмий жиҳатдан асосланган самарали ўқитиш методларидан унумли фойдаланиш талаб этилади. Танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнига педагогик инновацияларни ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир. Танқидий фикрлашни шакллантиришда ёшларда матн ёки мавзу юзасидан муайян маълумотни ўзлаштириш босқичида улар мустақил фикрлашга оид аниқ қўникмаларни эгаллайдилар. Ўзлаштирилган билимлардан амалий топшириқларни бажаришда ёшлар турли даражада фойдаланадилар.

Бошланғич синф ёшларида танқидий фикрлашни шакллантиришнинг муҳим ўлчовларидан бири, ёшларнинг ижодий фаолиятига асосланган ўқув жараёнининг қафолатланган натижасидир.

Маълумки, таълим жараёни ёшларга таълим бериш, уни тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадини назарда тутган ҳолда ташкил этилади. Шунга кўра, ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш кўп жиҳатдан ўқув материали ва унинг турли шакллари лойиҳалашга боғлиқ. Ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш учун ҳажм жиҳатидан ихчам, уларни изчил фикрлашга ундовчи ўқув топшириқлари танлаш ва тақдим этиш натижасида уларнинг кўп қиррали фикрлаш фаолияти қарор топтиради. Бунинг учун ўқув материалларини мақсадли лойиҳалаш муҳим аҳамиятга эга.



## **2.2. Ёшларда танқидий фикрлашни ривожлантиришда таълимнинг интерфаолметодлардан фойдаланиш механизмлари**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқаришнинг учинчи сифат босқичида - «таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштиришни амалга ошириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб қўйилган. Чунки мамлакатимизнинг тараққий этган давлатлар каторидан ўрин олиши учун, таълим тизимини янги педагогик технологиялар билан қуроллантириш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш келажақда ёш авлоднинг юқори касбий маданият, ижодий ва ижтимоий фаоллик, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қатнаша олиш, эркин фикрлай олиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутди. Бу эса ёшларда билимдонлик, фаоллик ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришни талаб қилади.

Ёшларида танқидий фикрлашни шакллантиришга қаратилган тажриба-синов ишлари бир неча босқичларда ўтказилди.

Тажриба-синов ишларининг биринчи босқичида ёшларнинг хотирасига таянилган ҳолда тадқиқот фарази текширилди. Бу танқидий фикрлашни шакллантириш билан боғлиқ ҳолда қаралди. Бу босқичда фанларга оид алгоритмларни англаш, уларга мос шарҳни танлаш, ўқув материалларини ёки унинг алоҳида қисмларини ташқи кўрсатмасиз мустақил равишда қайта тиклай олиш билан тавсифланади. Мазкур босқичда ёшлар ўзлаштиришнинг бирмунча юқори поғонасини намойиш қилишга муваффақ бўлдилар ва ўз хотираларига таянган ҳолда ўқитувчи ўргатган ёки дарслиқда мавжуд

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ .НМК, 1997. –61 бет.

материалларни маълум алгоритм бўйича тушунтириб бера олишга имконият яратилди. Масалан, 3-синфнинг «Одобнома» дарсида «Юрт тинчлиги» мавзусини ўрганиш жараёнида бошланғич синф ёшлари биринчидан, «тинчлик» сўзининг моҳияти, унинг тўғрисида яна қандай тушунчаларга эга бўлишганлигини мушоҳада қилишга ҳаракат қилган бўлсалар, иккинчидан, ўз хотираларига таянган ҳолда тинчлик ҳақида ёд олишган шеър ва мақолларни айтиб бердилар. Ўқитувчининг: «Юрт тинчлигини бузмоқчи бўлган кимсалар ҳақида нима дея оласиз?»-саволига берилган матндан жавоблар топиб, изоҳлаб бердилар.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичида ёшларнинг нотаниш вазиятларда қандай қарор қабул қила олишлари кузатилди. Бу ёшлар фаолиятининг эвристик даражаси сифатида талқин қилиниб, ёшлар ўзлари яшаётган ҳудудда Ватанни ҳимоя қилиш учун қурбон бўлган мард фуқаролар тўғрисида фикр юритдилар. Улар мазкур босқичда бир қатор таълимий топшириқларни бажариб, ўзларида шаклланган танқидий фикрлаш кўникмаларини намойиш қилдилар. Бу ўрганилаётган мавзу бўйича материалларни таниш ва нотаниш вазиятларда мустақил қайта тиклаш эвазига янги ахборотларни қўлга киритиш билан тавсифланди. Ушбу босқичда ёшларга «Ватаннинг мард ўғлонлари» мавзусида кичик эссе ёзиш топширилди. Ёшлар ушбу топшириқни алоҳида қизиқиш, юксак ижодий ёндашиш асосида бажаришдилар ва дасрснинг асосий ғояси сифатида: «Тинчлик бўлса, юз миллат тил топишар» мақолини синтез қилишга муваффақ бўлишди. Синфдаги деярли ҳар бир ёшлар: «Юрт тинчлиги-улкан бойлик. Мустақил Ўзбекистонимизда тинчлик барқарор бўлиши учун барчамиз жон куйдиришимиз лозим. Масаланинг ечимини топиш жараёнида уларда янги мавзу мақсади бўйича эвристик билим пайдо бўлганлиги ёшларнинг кейинги фаолиятидан маълум бўлди. Ўқув жараёнининг натижаси сифатида ёшларда танқидий фикрлаш кўникмалари шаклланганлиги аниқланди. «Тинч элнинг боғи гуллар» мавзусида кичик гуруҳлардаги ҳамкорлик модели остида «мини-дебат» уюштирилганда ва

ўқилган мавзу бўйича фикр исботлаш учун спикер тайинлангач, матнда илгари сурилаётган ғояни кичик мактаб ёшидаги ёшлар шундай далил ва исботлар билан ҳимоя қилдиларки, уларда ўзлаштириш фаолиятининг янги қирралари: фикрни анализ ва синтез қилиш кабилар намоён бўлганлигига амин бўлинди.

Тажриба-синов ишларининг учинчи босқичида ёшлар ўзлаштириш фаолиятининг янги қирраларини тадқиқ қилувчи маҳсулдор ҳаракатга таянишди. Бу кичик мактаб ёшидаги ёшларда танқидий фикрлашни таркиб топтиришда муҳим роля бўлиб ҳисобланади. Бу босқичда ёшлар эгаллаган билимларини мустақил қўллаш, янги шароитларга кўчириш, тақдим этилган ахборотларни қабул қилиш, таҳлил эта олиш, улардан ўз фаолиятларида ижодий фойдаланиш кўникмаларини аниқлаш билан тавсифланади. Фаолиятнинг бу даражаси изланувчанлик, ижодкорлик характериغا эга бўлиб, турли вазиятларда ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш билан амалга оширилди. Масалан, 3-синф она тили дарсида «Нарса ва шахс номини билдирган сўзлар» мавзусига 2 соат ажратилган. Ёшлар ушбу мавзу юзасидан 162-машқни бажариш давомида ўқув материали таркибидаги билим ва тушунчаларни таниш ва нотаниш вазиятларда тадбиқ этишга ўрганадилар. Янги ахборотни эгаллашга эришадилар: «пул», «дўкондор», «харидор» каби атамалар ёрдамида иқтисодий билимларини кенгайтирадилар. Ёшларнинг иқтисодиётга оид билимларни ўзлаштиришларига ижодий ёндашишлари талаб қилинган ҳолатларда, уларнинг интилишлари кучайганлиги аён бўлди.

4-синф «Одобнома» дарсида «Қизил китоб-огоҳлик белгиси» мавзуси ўтиб бўлингач, ёшлар аввал эгаллаган билимларини қуйидаги ҳолатларнинг ечимини топиш учун кўчиришга муваффақ бўладилар. Бу ҳолатни муайян муаммоли ўқув вазияти ёрдамида таҳлил қиламиз: «Ўзингиз яшаб турган жойдаги ўсимликларни ўрганиб чиқинг. Агар қадимги дарахтларга кўзингиз тушиб қолса, назардан қочирманг. Улар ҳақида зудлик билан ўқитувчингиз ёки табиатни ҳимоя қилиш жамиятига маълум қилинг. Табиатга қандай

муносабат бўлишини ҳеч қачон унутманг. Табиатга зарар етказмаслик учун одам ўзини қандай тутиши керак?» ...

Бу ерда ёшлар ўзига алоҳида муносабатни талаб қиладиган, асраш ва муҳофаза қилишга муҳтож бўлган флора ва фауна «Қизил китоб»га киритилишини, кўп учрайдиган ўсимлик ва ҳайвонлар ҳам ғамхўрликка муҳтож, уларни авайлаб-асраш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини тушуниб, бу тўғрисида билим ва кўникмаларни ўзлаштириш сифати бўйича ижодкорлик талаб қилувчи вазиятларга дуч келадилар. Шунга ўхшаш мисолларни бошқа ўқув предметлари мисолида ҳам келтириш мумкин: Албатта, ўзлаштиришнинг ҳар иккала тури ҳам мустақил равишда ёки ўқитувчининг ёрдамида бажарилади. Бу вазифаларни муваффақиятли бажарган ёшлар ўзларининг билимдорликлари, мантикий фикрлаш даражалари ва ўқув жараёнига ижодий муносабатларини намоён қиладилар.

Бошланғич синф ёшларида танқидий фикрлашни шакллантиришда асосан таълимни кичик гуруҳлар асосида ташкил этиш «таълим берувчи-таълим олувчи» диалогидан воз кечишни ва «таълим берувчи – гуруҳ - таълим олувчи» кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга ўтишни назарда тутди. Синф ёшлари ўзаро фаол ҳаракат қилувчи кичик гуруҳларга бўлиниб, уларнинг ҳар-бири ўзича ўқув материални ўзлаштиришлари ўқитувчи билан ёшлар ўртасида мустақам алоқа ўрнатишга замин яратади. Ёшлар орасида жамоавий, ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиш кайфияти таркиб топади.

Кичик гуруҳларда ишлаш анъанавий фронтал ўқитишдан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

**Биринчидан,** гуруҳдаги ишда ёшлар фаол иштирок этадилар, ўзига берилган топшириқ устида мустақил фикрлаб, ишлайдилар.

**Иккинчидан,** гуруҳ ишида ёшлар ўз ўртоқлари билан биргаликда иштирок этадилар. Улар ўзгалар томонидан билдирган фикр-мулоҳазаларни биргаликда муҳокама қиладилар. Фикрларни тушунишга эришиш учун ёшлар бир-бирларини эътибор билан тинглашга ўрганадилар. Бир-бирларига

саволлар берадилар ва ўзаро ёрдамлашишга одатланадилар.

**Учинчидан**, алоҳида иқтидорга эга бўлган ёшлар гуруҳдошларининг эътиборларини жалб қилмаган ҳолда ўз билимдонликларини намоён қилишга эришадилар. Баъзи ёшлар ўзгаларнинг «ўзини кўрсатмоқчи», «ўқитувчининг эркатойи» каби сўзларни эшитишни истамай, ўз қобилиятини кўрсатишдан чўчийди. Гуруҳли ишлаш жараёнида эса бу муаммо ўз-ўзидан бартараф этилади. Аълочи ёшлар эса ўз билимлари ва тажрибаларидан гуруҳдошлари баҳраманд бўлаётганлигидан руҳланадилар.

Ёшлар гуруҳда ишлаш давомида ўзларини анча эркин тутадилар. Нотўғри жавоб бериб, уялишдан чўчидиган болалар ҳам ўз билимини намойиш қилиш имкониятига эга бўладилар. У ўзи фикри бошқалар томонидан қадрланаётганлигига ишонч ҳосил қилади. Бу жараёнда синфдаги тортинчок Ёшлар ҳам анча фаоллашадилар. Гуруҳ бўлиб ишлаш уларда ўзларига ишонч ҳиссини туғдиради. 4-5 ёшлардан иборат гуруҳда тортинчок Ёшлар ўзини 34-35 Ёш олдида жавоб бериш ҳолатидан кўра эркинроқ сезади.

Ёшларида танқидий фикрлашни шакллантиришда таълимнинг гуруҳли шакли куйидаги йуналишда олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

- ўқув-билув жараёнини фаоллаштириш;
- ҳар бир ёшларнинг потенциал имкониятларини ривожланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;
- Ёшларнинг билимини ҳамкорликда бойитиш, муаммоларни биргаликда ечиш, уларда мулоқот кўникмаларини ҳосил қилиш;

Гуруҳда ишлаш кичик мактаб ёшидаги ёшларнинг атрофдагиларга бўлган муносабатни ўзгартиради, «мен ва улар» категориясидан «биз» категориясига ўтишни таъминлайди ва ёшларга ўзини гуруҳнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилиш имконини беради.

Ёшлар гуруҳларда ишлар эканлар қандай билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишлари лозимлигини аниқ белгилаш керак. Ўқитувчи куйидаги саволлар устида ўйлаб кўриши лозим: Бажариладиган иш қандай

мақсадни кўзлайди? Нима учун болалар шу нарсани билиб олишини истайсиз? Режалаштирилган ишларнинг ҳаммаси амалга ошишига ишонасизми? Бунга эришиш учун ихтиёрингизда қанча вақт бор?

Бошланғич синфларда гуруҳларда ишлаш жойини тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гуруҳлардаги иш одатдаги синф жойлашишига ўзгартириш киритишни талаб қилади. Қуйидагиларга эътибор қаратиш керак бўлади:

- гуруҳ қандай иш билан машғул бўлади;
- кичик мактаб ёшидаги ёшлар синфда юра олишлари мумкин бўлсин;
- гуруҳ ёшлари бир-бирларини кўришлари ва тинглашлари мумкин бўлсин;
- гуруҳларга иложи борича ранг-баранг дидактик материаллар тарқатилиши керак;
- бошқа турли қўлланма ва материаллардан фойдаланиш қулай бўлсин.

Гуруҳларга топшириқлар ёзма йўриқнома шаклида берилганда, у қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: йўриқнома ҳар бир ЁШга тушунарли тилда ёзилиши, кичик мактаб ёшидаги ёшлар ўқитувчи ёрдамсиз фойдалана олиши учун аниқ ва муфассал бўлиши; топшириқ билан бирга ёзма ишни бажариш учун керакли материал ва вароқлар берилиши; кутиладиган натижалар аниқ кўрсатилиши лозим.

Ёшлар гуруҳда ишлаш давомида қуйидагиларга риоя қилишлари лозим:

- топшириқларни бажаришда гуруҳнинг барча аъзолари билан тенг иштирок этиш;
- ҳар бир ёшлар зарур бўлганда ўқитувчидан керакли ёрдам олиши;
- ҳар бир ёшлар ўртоқларига кўмаклашиши;
- гуруҳнинг ҳар бир аъзоси гуруҳдагиларнинг фикрини тинглаши керак.

Таълим олувчиларни гуруҳларга белгилари бўйича (а)ихтиёрий ёки ноформал белгилари бўйича тузилган аралаш гуруҳли; ўқув даражаси

ютуқлари бўйича; психологик жиҳатдан бир-бирига тўғри келиши даражаси бўйича), сони бўйича (а) 2- 5 кишилик - унча катта бўлмаган вазифаларни бажариш учун; б) 5 - 7 кишилик - мураккаб вазифалар учун); **вақт бўйича** бўлиш мумкин.

Гуруҳли ишлашда биринчи машғулот ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, бу жараёнда қуйидагиларга риоя қилиш талаб этилади:

1. Гуруҳ аъзолари ўқитувчи томонидан танланиши;
2. Улар орасидан гуруҳни бошқара оладиган Ёшни етакчи сифатида сайлаб қўйиши;
3. Ҳар бир гуруҳ таркибига юқори ўзлаштириш даражасига эга бўлган ЁШларни тенг равишда киритиши;
4. Унча фаол бўлмаган ёшларни ҳам гуруҳларга тенг тақсимлаши;
5. Гуруҳ аъзолари ва бошлиғичнинг ўқув вазифаларини тушунтириши;
6. Ҳар бир гуруҳнинг доира шаклида ўтиришини таъминлаши;
7. Ўқитувчи муҳокама якунида ўз хулосаларини баён этиши кабилар.

Ёшларда гуруҳда ишлаш кўникмаси ҳосил бўлгач, улар билан турли дидактик ўйинлар, дарс мунозаралари ташкил қилиш мумкин. Гуруҳ тузишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Улар жумласига «*Шеригингни топ*», «*Чўп танлаш*», «*Ёқтирганнингни танла*» киритиш мумкин.<sup>1</sup>

Ўтказилган тажриба-синов натижаларидан аён бўлдики, тавсия қилинаётган методика бўйича ташкил қилинган дарсларда ёшларда танқидий фикрлаш ҳамда ўз нуқтаи назарларини очиқ ифодалашга мойиллик кучайди. Бу қуйидагиларда намоён бўлди:

1. Ёшлар ўзлари муҳокама қилган масала юзасидан муҳим қарорлар қабул қилишга одатландилар.
2. Кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида ҳар бир ЁШнинг имкониятлари ва қирралари очилди.

---

<sup>1</sup> Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Х., Ниёзов Г., Ҳасанбоева О., Усмонбоева М., Педагогика. – Т.: Фан, 2006. – 182 бет.

Экспериментал тадқиқот бир неча босқичда ўтказилганлиги боис, ёшларнинг индивидуал психологик хусусиятларини, хусусан фанлар бўйича тақдим қилинаётган дидактик материалларни идрок этиши, уларнинг ўзлаштириш ва мотивацион доирасини атрофлича ўрганиб чиқишга имконият яратилди.

Тажриба-синов жараёнида тўртинчи даражага тегишли топшириқларни бажарган ёшлардан эгалланган билимлари доирасидан чиқиб кетишни ва ижодий фаолликни намойиш этиш талаб қилинди. Бу фаолият жараёнида ёшлар учун номаълум бўлган янги ахборотлар тақдим этилди. Масалан, Конституция сабоқлари машғулотларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасига мувофиқ: «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросларини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир» иборасини таҳлил қилинг. Нима тўғрисида фикр билдириляпти?»- деган топшириқ ёшларни фаоллаштириб, мустақил фикрлашга ундади. Улар: «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга оширар экан, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ҳам ўз навбатида халқнинг маънавий, тарихий ва маданий меросларини авайлаб асрашлари лозим, чунки келгуси авлод ўз тарихи, ўтмиши, маданий ёдгорликларини ўрганиши ва билиши керак. Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги бўлмайдиган»,-деган фикрларни билдиришди<sup>1</sup>.

Ҳар бир ўқув предметини ўзлаштириш жараёнида ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш тизимини мураккаб бўлмаган дидактик топшириқлар ёрдамида яратиш мумкинлиги дидактик жиҳатдан асосланди.

Тажриба-синов ишлари давомида инновацион усуллардан ҳам унумли фойдаланилди. Ўқитувчи ва ёшлар ҳамкорлигига асосланган яхлит педагогик тизимни вужудга келтиришга ҳаракат қилинди.

Ёшларининг танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш учун

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992-й. 49-модда Иккинчи бўлим, 11-боб.



тавсия этилаётган топшириқлар тизими синовдан ўтказилганда, бир қатор самарали натижаларга эришилди. Ёшлардан мавжуд муаммо тўғрисида фикр билдириш сўралганда, улар бир қатор тушунчаларни аниқ шарҳлашга ҳаракат қилдилар. Улар айтиш билан бир муаммога турли томондан ёндашишга одатлана бошлаганликлари намоён бўлди.

Бунга мисол тариқасида 4- синфда Одобнома дарсидаги «Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўзингдан» мавзусига оид муаммоли дидактик топшириқларни бажариш ёшлардан талаб қилинганда, улар мавзу тўғрисида эркин ва очиқ, объектив ва одилона тарзда фикр юритишга интилдилар. Бу мавзу «Ишбилармонлик ўйини» стратегиясидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги боис ёшларда бир неча босқичда танқидий фикрлаш кўникмалари шакллантирилди. Ўқитувчи мавзунинг мақсад, вазифалари ва натижаларини шакллантириб, ўрганилаётган муаммо: «Яхшилик-энг юксак инсоний фазилят. Яхшиликнинг эвазига яхшилик бўлиши керак» эканлигини ёшларга таништириб ўтди. Ўйиннинг технологик харитасига асосланиб, ўйин тартиби, вазият мазмуни, хусусиятлари ёшларга изоҳлаб берилди. Ёшлар баҳолаш мезонлари билан таништирилганларидан сўнг, 2-босқичда уларга машғулотнинг асосий мақсади: «яхшилик» ва «ёмонлик» категориялари моҳиятини англаб етиш зарурлиги тушунтирилди. Муаммо қисмларга бўлиниб кичик гуруҳларда ўрганилди. Бунинг учун ёшларга дидактик муаммоли вазиятларни ўзида акс эттирган тарқатма материал тақдим қилинган, унинг асосида йўриқномалар, ўйин қаҳрамонларининг хусусиятлари, вазият кўрсатмалари улашилди. Вазифалар бўлиб берилгандан сўнг ўқув материаллари ўқитувчи билан биргаликда таҳлил қилинди. Бу алфозда ташкил қилинган иш ёшларда жонланиш ҳиссини пайдо қилди ва ёшлар матн асосида хулосага монанд цитата топишга муваффақ бўлдилар.

3-босқичда ҳар бир ёшлар ўқитувчидан яқка тартибда маслаҳат олиб ўз вазифаларини бажаришга киришдилар. Ушбу босқичда ёшлар олдиндан белгиланган вақт ичида қўйилган вазифаларни тушуниб етишга муваффақ бўлдилар ҳамда ролларини бажардилар.

4-босқичда ўқитувчи ўйин йўналишини ўзгартирмасдан ўқув жараёнини кузатди. Ўйиннинг оралиқ натижаларини баҳолади, шу билан бир қаторда, ёшларнинг фаолиятларига ҳам ўз муносабатини билдириб турди. Мазкур босқичда ёшлар белгиланган шартларга биноан, фаол ҳамкорликда ўқув ҳаракатларини бажариш, тақдим қилинган матндаги топшириқларни чуқур мушоҳада қилишга ҳаракат қилишди. Шу билан бир қаторда гуруҳдошларини ҳам фаоллаштиришга эришишди. Дидактик ўйинлар орқали ёшлар дарснинг асосий ғояси: «Яхшиликнинг жавоби-яхшилик бўлиши керак»,-деган хулосага келишди. Улар дидактик талабларга риоя қилган ҳолда ўйин машғулотини яқунладилар.

Бошланғич синф ёшларининг индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, уларнинг ўқув чоракларида фанлар бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларига таяниб, танқидий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёнини фаоллаштирувчи таълим технологиялардан фойдаланилди.

**Ёшларида танқидий фикрлашни шакллантиришга хизмат қиладиган технологиялар.**



Ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш учун педагогикада кенг тарқалган инновацион методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шулардан бири-«Брейнштурминг» («Ақлий хужум») методи орқали 3-4-синф ЁШларида шаклланган танқидий фикрлаш кўрсаткичларини келтирамиз:

**Брейштурминг** – ғояларни генерация қилиш методи. Бошланғич синф Ёшлари кичик гуруҳларга бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиладилар: уни ечиш учун шахсий ғояларини илгари сурадилар (генерация қилишади). У иштирокчиларни ўз тасаввурлари ва қарашларидан фойдаланишга рағбатлантиради.

«Ақлий хужум»нинг вазифаси кичик гуруҳлар ёрдамида янги-янги ғояларни яратишдан иборат. Бу усул муаммони ҳал қилаётган ЁШларни кўпроқ мустақил фикрлашга ва ҳатто фантастик ғояларни яратишга ундайди. Масалан, 3-синф Ўқиш китобида келтирилган **«Элим деб, юртим деб яшаган инсон»** мавзуси ўтилганда ёшлар кичик гуруҳларда ишлаб Амир Темур томонидан элу-юрт равнақи учун бажарилган фидойи ишлари тўғрисида фикр-мулоҳаза юритишди ва буюк соҳибқироннинг Ватан учун ёниб яшаганлигини турли ғоялар асосида исботлашга ҳаракат қилишди.

Ёшлар томонидан билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинди. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш ва янада кенгайтириш учун имконият яратилди. Бу услуб барча дидактик функцияларни бажаради, лекин унинг асосий вазифаси - муаммони мустақил тушуниш ва ечишга давъат этишдан иборат бўлиб, таълим олувчиларнинг мотивациясини уйғотишдан иборатдир.

Биз қуйида ёшларни танқидий фикрлашга ундайдиган «Ақлий хужум» методининг технологик харитасини келтирамиз

**Танқидий фикрлашни шакллантиришда фойдаланадиган «Ақлий ҳужум» методининг технологик харитаси.**

Иш босқичлари ва мазмуни	Фаолият	
	Ўқитувчи	Ёш
1-Босқич ёшларни танқидий фикрлашга тайёрлаш	Мавзунини аниқлайди, мақсад ва натижалар, уларни баҳолаш мезонларини белгилайди	
2-босқич Танқидий фикрлашга киришиш	Мавзунинг мақсад, натижа ва баҳолаш мезонини эълон қилади. Ақлий ҳужум методи ёрдамида ёшларни танқидий фикрлашга ундаш мақсадини амалга оширади. Берилган муаммони баён қилиб, ёшларнинг танқидий фикрлашларига туртки беради	
3-осқич Мустақил фикрларни баён қилиш	Баён қилинган фикрларни ёзиб боришни топширади.	Ёшлар муаммони ҳал қилиш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар, бу ҳақида ўз таклифларини айтадилар
4- босқич Фикрларни таҳлил қилиш	Белгиланган баҳолаш мезонларига асосланган ҳолда ёшлар томонидан баён қилинган фикрларни таҳлил қилишни ташқил этади.	Баён қилинган фикрлар, таклифларни гуруҳ бўлиб таҳлил этишади. Тўғри, объектив фикрларни

		аниқлайдилар.
5-босқич Яқунлаш, таҳлил ва баҳолаш	Ёшлар томонидан амалга оширилган танқидий фикрлаш фаолиятга яқун ясайди, уларнинг фикрларини таҳлил қилади ва баҳолайди.	Ёшлар ўзлари, синфдошлари, гуруҳдошлари билдирган фикрларни таҳлили қилиб баҳолайдилар.

Бошланғич синф ёшларида танқидий фикрлашни шакллантиришда «Пинбоард» методи ҳам самарали натижа бериб, ёшрни тизимли ва мантиқий фикр ифодалашга ўргатади. (Пинбоард методи-(инглизча «pin»– «мустаҳкамлаш», «board»-доска). Бу ўқитиш методининг танқидий фикрлашни шакллантиришдаги аҳамияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий усуллар билан боғланади. Унинг афзаллик жиҳати, ёшрга таълим бериш, уни ривожлантириш ва тарбиялашни қулайлаштиришдан иборатдир. Ёшарда мулоқот ва мунозарага киришиш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма тарзда баён этиш, изчил фикрлаш кўникмаси шаклланади.

Биз қуйида ушбу метод ёрдамида амалга оширган кузатишларимизни баён қиламиз.

Ж.Стилл, К.Мереди, Ч.Темплинг «Ўқиш ва ёзиш танқидий фикрлашни ривожлантириш учун» дастурида таълим олувчилар фаоллигини оширувчи, уларнинг танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантирувчи қатор методлар кўрсатиб ўтилган. Шулардан бири синквейн стратегиясидир.

Синквейн-француз тилида «беш қатор» маъносини билдирувчи педагогик стратегия. Синквейн-маълумотларни умумлаштиришга ёрдам берадиган қофиясиз шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа, мавзу) тўғрисидаги ахборот йиғилган ҳолда, ёшр тилидан турли вариантларда ифодаланади.

Синквейн тузиш-мураккаб фикр, сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина

сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган кўникмадир. Синквейн тузиш жараёни мавзунини яхшироқ англашга ёрдам беради ва ёшнинг танқидий фикрлашинини шакллантиришга кўмаклашади.

Синквейн тузишда қуйидагиларга амал қилиш керак:

1- қатор: Мавзу биргина сўз, от орқали ифодаланади.

1- қатор: Мавзу икки сўздан иборат сифат билан ифодаланади.

2- қатор: Мавзу доирасидаги ҳатти-ҳаракат учта сўз орқали ифодаланади. Бу сўзлар феъл ёки равишдош бўлиши лозим.

3- қатор: Мавзуга нисбатан муносабатни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган яхлит фикр ифодаловчи гап ёзилади.

4- қатор: Мавзунини такрорлайдиган, биргина синоним сўз ёзилади.

Синквейнлар қуйидаги ҳолларда жуда фойдали бўлади:

- мураккаб ахборотни синтезлаш учун восита сифатида;
- ёшнинг тушунчаларининг йиғиндисини баҳолаш воситаси сифатида;
- ижодни тақдим этилишининг воситаси сифатида.

Синквейнлар мураккаб ахборотларни умумлаштирувчи, ёшнинг фикрларини баҳоловчи ва фикр ифодаловчи восита сифатида муҳим дидактик аҳамиятга эга.

Кластерларга ажратиш- «Кластер» сўзи «ғужм», «боғлам» маъносини англатади.

Кластерларга ажратишни мотивация, ўзлаштирилган билимларни идрок этиш ва рефлексия (мулоҳаза қилиш) босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. У асосан янги фикрларни уйғотиш, мавжуд билимларга етиб бориш стратегияси бўлиб, муайян мавзу бўйича янги фикр юритишга чорлайди.

Бошланғич синфларда одатда янги мавзу тушунтирилишига қадар кластер тузилади. Кластерни тузишда қуйидаги кетма-кетлик инobatга олиниши мақсадга мувофиқ:

1. Катта вароғ қоғознинг ўртасига ёки синф доскасига ёхуд ёзиш учун фойдаланиш мумкин бўлган сатҳга «калит» сўз ёки таянч ибора ёзилади;

2. Шу мавзуга тегишли деб ҳисобланган ва ассоциатив сўз ва иборалар ёзилади;

3. Фикрлар пайдо бўлганда ва уларни ёзганда фикрлар ўртасида мумкин бўлган боғланишларни белгилаш;

4. Фикрлар тугамагунча ёки вақт тамом бўлгунча хаёлга келган барча фикрлар ёзилаверади;

5. Келтирилган сўз ва фикрлар мазмуни ва яқинлигига қараб тоифаларга ажратиб чиқилади.

Ёзилган барча сўз ва иборалар ўртасидаги алоқалар, узвий боғланишлар ўқитувчи томонидан назорат қилиниб, белгилаб борилади.

Кластер тузишда гуруҳдаги барча ёшнинг иштирок этиши, шу гуруҳ учун ғоялар ўзаги бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари тажриба-тадқиқот дарсларида дидактик материалнинг идрок этилганлиги, ўз англашини фаол кузатиш учун ёшга имконият берадиган инсерт методидан фойдаланилди, чунки бошланғич синф ёшлари матнниохиригача ўқиб, у ерда нима ёзилганлигини эслаб қололмаслиги мумкин. Инсерт - матн билан ишлаганда фаолликни қўллаб- қувватлаш учун зарур. Ёшматн билан ишлаётганда бир қатор белгиларни қўйиб боради, улар эса қуйидаги маъноларни билдиради:

V - билганларимни тасдиқлайди

+ - янги ахборот

– - билганларимга зид келади

? - мени ўйлантириб қўйди.

*Кубиклар*-ўзгартирилаётган келажакка асосланиб мавзунини кўриб чиқишга ёрдам берадиган ўқитиш усулидир. Ҳар томонлама фикрлашга ёрдам берадиган ҳар хил йўл-йўриқлар кўрсатилган кубик ишлатилади.

Томонларининг ҳажми ўртача 15-20 см бўлган қутичага қоғоз ёпиштириб, ранг-баранг кубик яшаш мумкин. Бу бошланғич синф ёшрида алоҳида қизиқиш уйғотади. Кубикнинг ҳар бир томонига қуйидаги олтита йўл-йўриқ ёзилади: буни тасвирланг, буни таққосланг, ўзаро боғланишни кўрсатинг, буни таҳлил қилинг, буни қўлланг, далиллар ёрдамида яхши ва

ёмон томонларини кўрсатинг.

«Компьютерли «ишбилармонлик ўйинлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилган бўлади:

- ўқув мақсадларига, яъни ўқув жараёнида мутахассисларни тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ва муайян билимлар тизимини ўзлаштиришга;
- илмий-изланув, бошқарув тажрибасини таҳлил қилишга;
- жорий фаолият натижасида вужудга келадиган муаммоларни ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мўлжалланган реал ахборот материалга таянишга ва ҳ.к.

Тажриба-синов ишлари давомида бошланғич синф ёшларининг танқидий фикрлаш кўникмаларини самарали шакллантириш мақсадида қўлланилган инновацион усуллар қуйидаги афзалликларга эга эканликларини кузатишларимиз яққол кўрсатди:

- биринчидан: муаммоли вазиятларни машғулот бошланишида ёшларга таклиф этиш ёки ўқув предмети доирасидаги мавзусини ифода эта оладиган махсус муаммоли топшириқлар бериш;

- иккинчидан, муаммоли вазиятлар орқали ёшларнинг қийинчиликларни енгиш ва мустақил фикрлашларига имконият яратиш;

- учинчидан ёшларда танқидий фикрлаш учун майл ҳосил қилиш;

- тўртинчидан, ёшларни мустақил фикрлаш, тўғри, объектив хулосалар чиқаришга ундаш;

- бешинчидан, ёшларни мураккаб вазиятларнинг ечимини топишгатайёрлаш.

Шундай қилиб, ёшларда танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда турли интерфаол методлардан фойдаланиш самарали натижалар бериришини тажриба-синов натижалари яққол кўрсатди.



## ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари қўйилган фаразларни тўла тасдиқлади ҳамда қуйидагиларни хулосалашга имконият яратди:

1. Ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантиришнинг дидактик асосларини яратиш долзарб муаммолардан бири эканлиги ижтимоий зарурат, эҳтиёж намоён этди. Изланиш мақсадини тадқиқотда қарор топтириш учун ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш имкониятлари илмий жиҳатдан асосланилди;

2. Ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантириш технологияси педагоглар томонидан махсус турдаги топшириқлар, мустақил фаолият турларини бажариш орқали рўёбга чиқарилди ва уларнинг самарадорлиги муайян мезонлар ёрдами билан амалга оширилди. Таълим жараёни тўлақонли тарзда ёшларга йўналтирилса, унинг эҳтиёж ва имкониятлари, қизиқишлари, иқтидорини ҳисобга олган ҳолда муайян принциплар асосида ташкил этилса, бундай таълим натижалари, биринчи навбатда, ўқувчи шахсининг ўзини, шу билан бир қаторда, давлат, жамият ҳамда фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи омил даражасига кўтарилади.

3. Ўқувчиларда танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда бир қатор дидактик хусусиятлар, педагогик-психологик ўзига хосликларни алоҳида ҳисобга олиш талаб этилади.

4. Бошланғич таълим жараёни мазмунига мос равишда ўқувчиларни танқидий фикрлашга ундовчи ўқув топшириқлари тизимини шакллантириш ва ўқув жараёнига жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

5. Ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантиришга хизмат қиладиган дидактик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш ўқувчиларда танқидий фикрлашни самарали ривожлантириш имконини беради. ёшларда турли стратегиялар ва уларнинг муайян йўналишлари орқали танқидий фикрлаш кўникмаларини муваффақиятли ривожлантирувчи тизим вужудга келтирилади.

6. Ўқувчиларда танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш учун ўқув-билув жараёнида уларни фаол фикрлаш ва мустақил фаолият кўрсатишга ундовчи инновацион технологиялардан фойдаланиш бу соҳада кутилган самарадорликка эришиш имконини беради. Юқоридаги фик мулохазалардан келиб чиққан холда кўйдаги тавсияларни таклиф этаман.

#### **ТАВСИЯЛАР:**

ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. ёшларга ўқитиладиган ўқув предметлари мазмунига Давлат таълим стандартларига мос тарзда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув стратегиялари, таълимий топшириқлар ва инновацион усулларни сингдириш зарур.

2. ўқувчиларнинг маънавий-маърифий соҳалардаги билимларини оширишда маълум омиллар ва шароитлар ҳамда рағбатлантириш йўллари, методлари, шарт-шароитларини чуқур ўрганиш ва ҳисобга олиш лозим.

3. Илмий-тадқиқот институтлари, таълим марказлари томонидан ёшларнинг маънавий-маърифий соҳалардаги билимларини кенгайтириш мақсадида турли қомусий адабиётлар, маълумотномалар мажмуаларини ёшига мос равишда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – 62 бет
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – 293-бет.
3. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. –529 бет
4. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон» 1997. –328 бет.
5. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Т.: Ўзбекистон”, 1998. – 111-бет.
6. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 352 бет.
7. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон»,1998. – 78 бет.
8. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. // «Тафаккур», 1998 йил, 2-сон
9. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008. -176 бет
10. Баркамол авлод орзуси. Т.: Шарқ, 1999. –228 бет
11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 38 бет
12. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ НМК, 1997. –61 бет
13. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ НМК, 1997. – 29 бет

14. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. //Таълим тараққиёти. – 1-сон, 1998. –77-81бет.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Фармони // Маърифат, 2004 йил 22-май.
16. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. – Т.: Шарқ, 2004. –400 бет.
17. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1-жилд. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 2000. –767 бет.
18. Абдулло Авлоний. Мухтасари тарихи анбиё ва тарихи ислом. – Т.: Фан, 1994. – 293 бет.
19. Абдулло Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент., 1994 . –237 бет.
20. Абдулло Авлоний. Биринчи муаллим. О.Шарофиддинов таҳрири остида – Т.: Маънавият, 1998. –39-бет
21. Абрамова И. Г. Деловые игры в системе повышения квалификации.–М.: Знание,1992. –170 с.
22. Умаров Э. Эстетика. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
23. Абдуллаева Ш. А., Ахатова Д. А. Собиров БЕТБЕТ, Сайитов С.С. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2004. – 214 бет
24. Абдуллаева Ш.А. талабаларда рефлексив мушоҳада қилиш кўникмаларини шакллантириш. – Т.: Фан, 1992. – 193 бет
25. Абдуллаева Ш. А. Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва хулқидаги нуксонларни коррекциялашнинг педагогик асослари. Докторлик дис. – Т.: Т.Н. Қори Ниёзий номли ЎзПФИТИ, 2005. – 228 бет
26. Абдуллаева Қ., Сафарова Р. ва бош. Бошланғич таълим Давлат стандарти. //Бошланғич таълим, 6-сон, 1998, – 8-9бет.

27. Абдуллаева Қ., Сафарова Р. , Бикбоева Н. Бошланғич таълим концепцияси. // Бошланғич таълим, 6-сон, 1998. – 2-8бет.
28. Адизов БЕТР. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари. Докторлик дис. – Т.: Т.Н. Қори Ниёзий номли ЎзПФТИ, 2002. – 276 бет.
29. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Низомий номидаги ТДПУ, 2003. –175 бет
30. Асилова Г.А. Умумий ўрта таълимда танлаш усулидаги тестлардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари. 13.00.01.Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича номзодлик диссертацияси. – Т.:Т.Н. Қори Ниёзий номли ЎзПФТИ, 1997. – 137 бет.
31. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. –342 бет.
32. Башев В.В., Вальковская Г.М., Водянский А. Стратегия модернизации содержания общего образования: Материалы для разработки документов по обновлению общего образования. – М.: Мир книги, 2001. –342 с.
33. Болтабоева М., Сатторов М. Илмга бахшида умр. – Т.: Адолат, 2004. –248 бет
34. Бошланғич таълим стандарти.Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўқув дастурлари – Т., Шарқ. 1999. 479 бет
35. Борисова Н. Образовательные технологии как объект педагогического выбора. Учебное пособие. – М.: Мир книги, 2004. –321
36. Болиев А. Мустақиллик ва тараққиёт йўлидан: Марказий Осиё Ҳамдўстлиги // Ўзбекистон овози. 1997. – 29 июн. – БЕТЗ.Бердиев Г. талабаларда шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.// Халқ таълими, №6,1998, – 61-65-бет.
37. Давлетшин М.Г. Таълимнинг психологик асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1978.- 20 бет

38. Жўраев Р. Х., Сафарова Р. Ғ., Ибрагимов Х. И., Мусаев У. Қ. Педагогик таълим Концепцияси. // Халқ таълими, 2004, № 5, – 8-31-бет.
39. Ибрагимов Х. И., Абдуллаева Ш. А. Педагогика. Дарслик. – Т.: Ахборот технологиялари, 2007. – 288 бет
40. Ибрагимов Х.И., Зарипов К.З Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. – Т.: Фан, 2004. – 130 бет
41. Иноғомова С. Мантикий фикрлаш // Бошланғич таълим. 2000, № 2. – 20-21 бетлар.
42. Йўлдошев Ж. Ғ. Узлуксиз таълимни ислохатлаштириш. – Т.: Ўқитувчи, 2001. –198 бет.
43. Каримова В. Психология. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002, –206 бет.
44. Каримова В., Суннатов Р. Мустақил фикрлаш бўйича машғулотларни ташкил этиш юзасидан услубий кўлланма. – Т.: Шарқ, 2000. – 193 бет
45. Каримова В., Суннатов Р., Тожибоева Р. Мустақил фикрлаш. – Т.: Шарқ, 2000. – 112 бет
46. Мавлонова Р. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: Янги авлод асри, 2003, – 211бет
47. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: Чўлпон, 1994. –78 бет
48. Маҳкамов У. Маданият одобдан бошланади. // Фан ва турмуш, 2004, №2, – Б-12.
49. Маҳмудов. М.Таълимни дидактик лойиҳалаш. – Т.: Фан, 1999. – 179 бет.
50. Маҳмудов. М. Иккиламчи дидактик лойиҳалар. -Т.: // Педагогик маҳорат». 2003 й, 2- сон, 20-23 бетлар.
51. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.:Янги аср авлоди, 2001, –184 бет.

52. Микаел Полоний. Растительный мир и окружающая природа. – М.: Знание, 1993. –112 с.
53. Мунавваров А. Қ. Оила педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи,1994. – 127 бет.
54. Мусаев Ж. Ақлий машқлар ТАЛАБАнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантирувчи асосий восита сифатида//“Халқ таълими” журнали, 2006 йил, №6, — 24-25 бетлар.
55. Мусаев Ж. Эркин фикрлашнинг педагогик талаблари//“Мактаб ва ҳаёт” 2007 йил, №1, – 18-19 бетлар.
56. Мусаев Ж. Таққослаш – фикрлаш асоси// «Маърифат» газетаси, 2007 йил, 21,24 февраль сонлари
57. Мусаев Ж. 6-7 ёшли болаларнинг мустақил фикрлаш фаолиятида узвийликни таъминлаш муаммолари// Мактабгача ва бошланғич таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш муаммолари мавзусидаги илмий амалий анжуман. ЎзПФТИ 2000 й. 25-26 октябр.
58. Мусаев Ж. Замонавий дарс – талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш омили.// «Замонавий педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишнинг назарий ва амалий масалалари» Республика илмий-амалий конференция материаллари. Қўқон, 2002.112-120бет
59. Мусаев П., Мусаев Ж. Мустақил фикрлашга ўргатишнинг педагогик асослари// ЎМКХТМ 2002 йил. 163-б
60. Мусаев Ж. Мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш// Давлат педагогика институтлари ва умумтаълим мактабларида табиий фанларни ўқитишнинг долзарб муаммолари. (Республика илмий амалий конференция материаллари). Жиззах ДПИ.: 2006. – 160-164бет. Навоий. Танланган асарлар, 7-т. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1984, –189-бет
61. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 1998. – 177 бет.
62. Навоий. Танланган асарлар, 7-т.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1984, 189-бет

63. Нажимова Г.Н. Бошланғич синф ТАЛАБАлари ўқув билув фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. 13.00.01.Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича номзодлик диссертацияси. – Т.: Т.Н. Қори Ниёзий номли ЎзПФТИ, 2006. – 159 бет.
64. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. (Гносеология. – Т.: Университет, 2005.-348 бет
65. Неъматова Г. Ижодий тафаккурни ривожлантириш технологияси ва талабанинг мустақил фаолияти. – Т.: РТМ, 2001. – 24бет
66. Нефёдова Н., Шакасимова Э. Занимательная математика в начальных классах. Пособие. – Т.:Ўзбекистон, 2000. –160 с.
67. Нишонова З. Мустақил ижодий фикрлаш ва шахс хислатлари. – Т.: “Халқ таълими”, 2001 йил №4. – 38-42бет.
68. Нишонова З. Мустақил ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг психологик асослари: Психол. фан. док. ... дисс. автореферати. – Т.: 2005. – 38 бет
69. Нишонова З. Мустақил фикр ривожланганлигининг психологик мезонлари // Ж. Халқ таълими. 2001. - №1. – 34-37бет.
70. Нуруллаева Ш. Бошланғич синф она тили дарсларида ТАЛАБАларни мустақил фикрлашга ўргатиш усуллари. Пед. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т.: 2007. – 148 бет
71. Нуржонова Р.У. Бошланғич таълим мазмунини прогнозтика қилишнинг педагогик омиллари. Пед. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т.: 2006. – 156 бет
72. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Т.: Фан, 1994, –76-бет.
73. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Т.: Ўқитувчи, 1997. –136 бет
74. Розиков О. Ўзбек тилидан дарс типлари. – Т., 1976. –72-бет
75. Розиков О., Оғаев С., Махмудова М, Адизов Б. Дидактика. – Т.: Фан, 1997. – 256 бет



76. Сайидахмедов Н. Технологик ёндашув устуворлиги. // Маърифат, 2003, 19 февраль.
77. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 бет
78. Сариев Ш. Мустақил фикрлашга ўрганиш // Бошланғич таълим. 2000. - №2. – 31-32 бетлар.
79. Сафарова Р. Шахсни шакллантириш омиллари.// Таълим тараққиёти, 2001, – 3-4-сонлар.
80. Сафарова Р., Мусаев У., Мусаев П., Юсупова Ф., Нуржанова Р., Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг Янги моделлари, уларни тадбиқ этиш йўллари. – Т.: Фан, 2005. – 255 бет
81. Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари дастури. – Т., 2002. –294 бет
82. Толипов Ў., М. Усмонбоева. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. –206 бет.
83. Турсунов И. Нишоналиев У. Педагогика курси. – Т.: «Ўқитувчи», 1997, –188бет
84. Туркистоний Раҳматуллоҳ. Илм ва иймон. – Т.: Мовароуннаҳр, 1993. –78бет.
85. Умарова М., Ҳакимова Ш. Ўқиш китоби.3-синф учун дарслик. 7-нашри. – Т.: Ижод дунёси. –240 бет.
86. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури.-Т.:Шарқ, 2004.-400 бет.
87. Фарберман БЕТЛ. Илғор педагогик технологиялар. – Тошкент., 1999. – 84 бет
88. Фарберман БЕТ, Мусина Р., Жумабоева Ф. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. – Т.: ГФНТИ. 2001. – 192с.

89. Frances C. Waksler. Studying the Social Worlds of Children. London. //Болалар ривожланиши бўйича материаллар тўплами, 1991,-122 р.
90. Ходжиева Ф. О. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш. – Т.: Фан, 2008. –140 бет
91. Холмовская В. В. Определение возможностей учащихся младшего школьного возраста.4-е изд. – М. :Тор, 2006. –317с.
92. Ходжиева Ф.О. талабаларда танқидий фикрлашни шакллантиришнинг илмий асослари. // Узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: ечимлари ва истиқболлари. Ёш олимлар, аспирантлар ва тадқиқотчиларнинг илмий ва услубий мақолалар тўплами. – Т.: Фан, 2005. –БЕТ63-65.
93. Шарипов Ш.С. “Ўзбекистонда таълимнинг глобаллашуви шароитида ёшлар мустақил ижодий фикрлашини фаоллатиришнинг методологик асослари” Давлат илмий-техник дастури. – Т.: 2006. –98-бет.
94. Шаропов А. таҳрири остида Шарқ тафаккури хазинасидан. – Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 234 бет.
95. Ўзбек педагогикаси антологияси. Тузувчилар: Ҳошимов К., Очил С, – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 461 бет.
96. Қувватов Н, Ғозиев Э. Ватанпарварлик ҳис-туйғусини баҳолаш мезонлари. // Халқ таълими, 1997 й, №2, – 4-9бет.
97. Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: Т.Н. Қори Ниёзий номи ЎзПФТИ, 1998. – 157бет.
98. Қуронов М. Қ., Қурбониезова З. Қ. Ижтимоий педагогика. – Т.: РТМ, 2003, –48 бет.
99. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э., Қуронов М. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. – Т.: Академия, 2002, – 280 бет.

100. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси – Т.: Ўқитувчи, 1994, –292 бет.
101. Ғозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 1996, – 198 бет.
102. Ғозиев Э., Икромов Ж. Мустақил фикрлашнинг комилликка таъсири // Халқ таълими, 2001., № 4. – 31-37бет.
103. Ғуломов С. С. «Далилларни эслаб қолиш ва ғояларни исботлаш. – Т.: Ўқитувчи, 2005. –178 бет.
104. Ҳасанбоев Ж. Й. Узлуксиз таълим тизимида таҳсил олувчиларнинг ўқув имкониятларини аниқлаш. – Т.: Фан, 2005. –32бет
105. Ҳасанбоева О. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1996, –178 бет
106. Ҳасанбоева О., Неъматова А., Ибрагимова Г. Одобнома. 4-синф учун ўқув кўлланма. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2004. – 112 бет.
107. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Х., Ниёзов Г., Ҳасанбоева О., Усмонбоева М., Педагогика. – Т.: Фан, 2006. – 182 бет
108. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. – Т.: Ўзинкомцентр, 2003. – 103 бет

[WWW.ziyonet.uz](http://WWW.ziyonet.uz) Ўзбекистон таълим портали

[www.google.uz](http://www.google.uz)

[www.gov.uz](http://www.gov.uz) Ҳукумат портали

[www.fikr.uz](http://www.fikr.uz)

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

## ИЛОВАЛАР

1-илова

### Бенжамин Блум таксономияси

Б И Л И Ш	
Эсга тушириш	Эслаб қолиш
Ахборот бериш	Фарқлаш
Айтиш	Танлаб олиш
Тасвирлаш	Ёзиш
Айтиш	Айтиб бериш, такрорлаш
Т У Ш У Н И Ш	
Далиллаш	Кўчириш
Алмаштириш	Қайта ишлаш
Муайянлаштириш	Намойиш этиш
Белгилаш	Изоҳлаш
Тушунтириш	Очиб бериш
Ф О Й Д А Л А Н И Ш	
Тадбиқ қилиш	Аниқлаш
Ҳисоблаб чиқиш	Амалга ошириш
Намомойиш этиш	Ҳисоблаш
Фойдаланиш	Амалга ошириш
Ўқитиш	Ечиш
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ	
Келтириб чиқариш	Олдиндан кўриш
Ажратиб чиқиш	Саралаш
Умумлаштириш	Бўлиб чиқиш
Турлаш	Текшириб кўриш

Фараз қилиш	Гуруҳлаш
С И Н Т Е З	
Кашф қилиш	Тизимлаш
Умумлаштириш	Бирлаштириш
Бирлаштириш	Барпо этиш
Режалаштириш	Тузиш
Ишлаб чиқиш	Лойиҳалаш
Б А Ҳ О Л А Ш	
Ташхислаш	Баҳолаш
Исботлаш	Текшириш
Ўлчаш	Назорат қилиш
Асослаш	Таққослаш
Қўллаб қувватлаш	Солиштириш

**Ёшларда танқидий фикрлашни шакллантириш учун кичик  
гуруҳларда ишлашни ташкил қилиш**

Биринчи марта гуруҳ шароитида ишлашни ташкил қилиб, ёшларни бундай ишлашга кўниктириб олгандан сўнг ўқитувчи гуруҳни ташкил қилишнинг турли шаклларида, ўйин усулларида фойдаланиши мумкин. Кичик гуруҳларга бўлиш йўлларида айримларини мисол қилиб келтириш мумкин.

**Гуруҳ тузишнинг «Шеригингни топ» усули.** Ёшларни тўртта кичик гуруҳга ажратилади. Бунда ёшлар гуруҳларга бирлашиши учун фасл, эртактаги қахрамонлар номлари қайд этилган карточкаларни олишади. Масалан, “Ёз”, “Куз”, “Қиш”, “Баҳор” каби сўзлар қайд қилинган карточкаларни олган ёшлар тўрт фасл номи бўйича тўртта гуруҳга бўлинишади ёки эртақ қахрамонлари «Рустамхон», “Донишманд”, “Олим”, “Боғбон” каби сўзлар ёзилган карточкалар ҳам ёшларни гуруҳларга бирлаштиришга хизмат қилади.

Бирор соҳага оид сўзлар акс этган карточкаларни ўқувчи ёшларига тарқатиш мавсадга мувофиқдир. Масалан, математикага оид: каср, бўлиш, масса, рақамлаш, қўшиш, геометрик фигуралар, кўпайтиниш, қўшиш атамалари; она тилига оид: от, сифат, сон, феъл, олмош атамалари ва ахлоқ-одобга доир: ақл, зехн, эстетика, меҳнат каби сўзлар шулар жумласидандир. Ҳар бири биттадан карточка олади. Ёшлар ўзи мансуб бўлган гуруҳдаги шерикларини топади ва бир фан соҳасига оид тушунчаларни танлаган бир гуруҳга бирлашадилар. Шу тарика тўртта гуруҳ ташкил топади.

**Гуруҳ тузишнинг «Чўп танлаш» усули.** Ўқитувчи 5 та гуруҳ тузмокчи бўлса, қатнашчиларга гугурт чўпидан (ёки хоҳлаган кичикрок буюм, қоғозчалар, оддий чўпчалар, тошчалар, нўхат кабилар ҳам бўлиши

мумкин) биттадан токи бештагача олишлари мумкинлигини айтади. Қатнашчилар чўпдан 1,2,3,4 ёки бештадан олган бўлишлари мумкин. Биттадан олганлар 1- гуруҳ, иккитадан олганлар 2-учтадан олганлар 3- тўрттадан олганлар 4- ва бешта чўп олганлар 5-гуруҳни ташкил этишади.

**Гуруҳ тузишнинг «Ёқтирганингни танла» усули.** Турли дарахтларнинг баргларида (нечта кишилик гуруҳ тўзмоқчи бўлса шунчадан барг) йиғиб, қатнашчиларга хоҳлаган баргни танлаш таклиф этилади. Бешта гуруҳ тўзмоқчи бўлса, беш хил дарахт барги, масалан, олма, ўрик, тут, терак, тол дарахтларининг барглари таклиф этилади. Бир хил дарахт баргини танлаганлар бир гуруҳга бирлашадилар.

Гуруҳ иштирокчиларининг туғилган фаслига, ёқтирган гули, мевасига қараб ёки бошқа усуллар билан ҳам кичик гуруҳларни тузиш мумкин.

Умуман олганда кичик гуруҳларда ишлаш қатнашчиларни яна ҳам фаолроқ бўлишга, гуруҳ учун маъсулиятни ҳис қилишга ўргатади, коммуникатив қобилиятларини ривожланишига ёрдам беради.

Бу эса ўз навбатида қатнашчиларнинг дарсга нисбатан қизиқишларини орттиришга, мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантиришга, танқидий тафаккурини ўстиришга қаратилган интерактив таълим олишларига кўмак берувчи инновацион стратегиялардан, гуруҳли таълим шаклларида кенг фойдаланишни талаб қилади.

Ёшлар томонидан тузилган кластердан намуналар.

